**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА**
**ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЭРКИНОВА ГЎЗАЛ ЭРКИН ҚИЗИ**

# “СПОРТ” ТЕЛЕКАНАЛИ ДАСТУРЛАРИДА ЖАНРЛАР ХИЛМА - ХИЛЛИГИ

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

***Илмий раҳбар:***
*Филология фанлари доктори*
*Хуршид Набиевич Дўстмуҳамедов.*

**Тошкент – 2015**

# М У Н Д А Р И Ж А

**Кириш**...............................................................................................................3

**I боб. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СПОРТНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

1.1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар мазмуни...........................................................10

1.2. Ўзбекистонда спорт журналистикасининг ривожланиши............................18

1.3. Тележурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари (“Спорт” телеканили кўрсатувлари мисолида).........................................................................26

**II боб. “СПОРТ” ТЕЛЕКАНАЛИ ДАСТУРЛАРИДА ЖАНРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА МАВЗУНИ ЁРИТИШДА МУАЛЛИФЛАР МАҲОРАТИ**

2.1. Спорт дастурлари мавзуси, мазмуни ва таркиби..........................................32

2.2. “Спорт” телеканалидаги бўлим ва муҳарририятлар фаолияти.....................39

2.3. Спортга доир кўрсатувларни тайёрлашда ахборот, таҳлилий ва публицистик жанрлар имкониятларидан фойдаланиш ва муаллифлар маҳорати масалалари .........................................................................................47

**ХУЛОСА**............................................................................................................59

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**..............................................................65

**ИЛОВА**...............................................................................................................70

# К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган қисқа фурсат ичида халқаро майдонда катта нуфуз қозонган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида нафақат бутун дунёга қадимий цивилизация ва маданият, буюк мутафаккир, олим, шоир ва саркардаларни инъом этган давлат сифатида, балки халқаро спорт майдонида катта муваффақиятларни қўлга киритган юрт сифатида ҳам эътироф этилди. Бугун бутун дунё бизнинг спортимизни таниб, спортчи ёшларимизнинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграганини тинглаб, байроғимиз юксакларга кўтарилганлигини кўриб, эътироф этмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мустақил Ўзбекистон сиёсатида асосий йўналишлардан бири бўлгани туфайли олимпиада ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда ва бошқа халқаро спорт тадбирларида кўпгина муваффақиятларга эришилди.

Президентимиз нуфузли мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларни мунтазам тақдирлаб боришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Ватанимиз байроғи остида жаҳон спорт майдонларига кўтарилаётган кўплаб спортчиларга ҳар йили давлатимизнинг турли хил мукофотларини топширади. Бу эса спортчи ёшларимизга бўлган нафақат юртбошимизнинг, балки бутун халқимизнинг билдирган юксак ишончи намунасидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланди. Юртбошимиз спорт инсоннинг жисмоний ҳамда маънавий соғломлигининг асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш имкониятини берадиган муҳим соҳа эканини мунтазам таъкидлайди.

Бугунги кунга келиб миллий матбуотимиз мавзу кўлами, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дастурлари мундарижаси анча кенгайди. Турли мавзулардаги кўрсатув ва эшиттиришлар, матбуот материаллари кенг оммага

тақдим этилмоқда. Янги жанр ва услубларда, ўзига хос тарзда экранда намоён бўлаётган дастурлар, малакали журналистлар кучи ва маҳорати билан юзага келаётган кўрсатувлар томошабин талабларидан келиб чиқиб, тақдим этиб келинмоқда.

Ҳозирда республикамизда ихтисослашган нашрлар, маълум соҳага йўналтирилган теледастурлар, турли форматдаги радиостанциялар пайдо бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Миллат тараққиёти ҳисобланган соғлом ва баркамол авлод мамлакат ва миллатнинг қўш қаноти ҳисобланади. Қайси мамлакатда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилмас экан, бу мамлакат келажаги ҳақида ижобий фикр билдириш қийин. Бинобарин, мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, тарбиялаш вазифаси биринчи ўринга қўйилди. Бу борада амалга оширилган ишлар матбуот нашрларида мунтазам ўз ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига назар ташланса, соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган чиқишлар асосий ўринни эгаллайди. Бу борада миллий телеканаллар муҳим ўрин тутади.

Ўтган йилда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг ОАВдаги ифодаси ва тарғиботи, муаллифлар аҳамият қаратаётган жиҳатларни таҳлил этиш ва муайян фикр-мулоҳазаларни бериш ишнинг долзарблигини белгилаб беради. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи “Спорт” телеканалида оммавий ва болалар спортининг ёритилиши тизимли асосда таҳлилга тортилиши ҳисобланади.

Дарҳақиқат, спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш келгусида баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса оммавий спортни ёшлар орасида тарғиб қилиш заруратини юзага келтиради. Шубҳасиз, бунда ОАВ асосий восита бўлиб хизмат қилади. Болалар спортини ОАВ, айниқса, телевидениеда қай даражада ёритилиши, очиб берилиши ёшлар аудиториясининг спортга бўлган қизиқишини белгилайди.

Малакавий битирув ишимизда “Спорт” телеканали фаолияти, унда оммавий ва болалар спортини ёритишга доир кўрсатувлар, дастурлардаги жанрлар хилма-хиллиги ва уларни тизимли таснифи, спорт журналистлари маҳорати каби масалалар таҳлилга тортилди. Бу мавзуни очиб бериш, оммавий спортни телевидение миқёсида ёритишдаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, кўрсатувлар жанрларини ўрганиш мавзунинг долзарблилигини белгилайди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиздаги спорт мавзусини ёритишга асосланган энг тезкор оммавий ахборот воситаларидан бири бўлган “Спорт” телеканали фаолияти ҳамда ундаги кўрсатувлар ва жанрлар хилма-хиллиги масаласи ҳали тизимли таҳлил қилинмаган мавзулардан саналади. Лекин спорт мавзуси ва унинг телевидениеда ёритиш, телевизион журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари масаласига доир бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, телевизион журналистиканинг хос хусусиятлари Г.В.Кузнецов, В.Л.Цвик, А.Я.Юровский, Н.В.Вакурова, В.В.Ворошилов, Е.В.Поберезникова, Я.Н.Засурский, Е.Прохоров[1] каби рус олимлари асарларида тадқиқ қилинган. Шунингдек, бошқа хорижий мамлакатларда, чоп этилган китоб, мақола ва тадқиқотларда янгилик тайёрлаш назарияси, амалиётига оид айрим фикрлар кузатилади. Уларнинг баъзиларида болалар спортини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича қатор тадқиқот ишлари бажарилган. Жумладан, В.П.Филлин, Н.К.Фомин[2] ҳамда К.Л.Сахновскийларнинг тадқиқотларида[3] болалар ўртасида, уларнинг ёшига тўғри келадиган баскетбол, қўл тўпи, волейбол, гимнастика, сузиш, енгил атлетика каби спорт турлари тўғрисида фикр мулоҳазалар, илмий асослар билдирилган.

---

[1]Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. – М.: МГУ, 2004.; Кузнецов Г.В., Цвик В.Л.Юровский А.Я. Телевизионная журналистика, Изд-во МГУ, 4-е изд. М.: 2002.; Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1998.; Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия. Интерактивное поле общения. – М.: Аспект Пресс, 2004. Засурский Я.Н. Журналистика и мир на рубеже тысячилетий, Изд-во МГУ, 2000. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики.-М.: Рип -холдинг, 2002; Ворошилов В.В. Журналистика.-М.: Спб, 1999; Кузнецева Г.В. ТВ журналистика: Критерии профессионализма-М.,Рип-холдинг, 2002.

[2] В.П.Филлин, Н.К.Фомин. «Основы популярного спорта», М.:1992

[3] К.Л.Сахновский, «Основы популярного спорта», 1998.

Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш масалаларига қаратилган бир қатор тадқиқотлар, хусусан П.Ф.Лесгафт, Н.П.Семашко, В.Б.Горниевскийларнинг изланишлари, уларнинг издошлари А.Ф.Новиков, А.Н.Крутованский, И.М.Яблоновский, Р.Е.Мотиленский, Н.Г.Озолин, А.А.Моркосян, В.С.Фомин, Н.В.Зеникина, А.Б.Танделский, К.М.Смирикова, С.И.Гальперин, З.И.Кузнецовларнинг илмий тадқиқотларида ёш болалар спорти муаммолари билан боғлиқ масалалар маълум даражада таҳлилга тортилган, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини ёритишга ҳаракат қилинган. Ўзбекистонда ҳам, айниқса, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида болалар спортини ривожлантиришда миллий қадриятлардан ташкил топган ўйинларни ёшларга тарғиб қилиш, бу бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари кенг ёритилмоқда. Хусусан, Ф.Керимов, К.Ярашов, Р.Абдумаликов, Т.Холдоров, Ҳ.Мелиев, Т.С.Усмонхўжаев[4], А.Атов, Ф.Ботиров, Т.Рафиев, Ж.Эшназаров, А.Ҳ.Ғуломов каби мутахассис ва педагогларнинг илмий ва услубий изланишларида маҳаллий болалардан, йигит ва қизлардан жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини тайёрлаш ва бунда миллий шароитларни ҳисобга олиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Шу билан бирга О.Рауповнинг "Болалар спортини ривожлантириш йўллари" услубий қўлланмаси[5] ҳамда шу мавзудаги конференция тўпламлари[6]ни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Улар ишимизда назарий манба сифатида ўрганилди.

Мамлакатимиздаги олим ва мутахассислар, С.Арифханова, Ў.Ўтаев, Ю.Ҳамдамов, Ш.Ибрагимов, И.Раҳматуллаева, П.Алламбергенова, Ю.Артиқова, И.Абдухолиқов, А.Каримов[7] тадқиқотларида телевидение

[4] Усмонхўжаев Т., Мелиев А. Миллий харакатли уйинлар.– Т: Ўқитувчи, 2000;
[5] Раупов О. Болалар спортини ривожлантириш йўллари. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2010.
[6] Болалалар спортини ривожлантиришга бағишланган Респблика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2003; Ўзбекистон ва ҳорижий давлатлар ёшлари ва ўсмирларини ўзбек миллий курашига ўргатишнинг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2006.
[7]Каримов А. Телевидение Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1993; Арифханова С. Телевизионная журналистика. – Т.: 2007.; Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Артиқова Ю.А. Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

соҳасига оид турли муаммолар таҳлилга тортилган. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Садо” газетасида, “Ўзбекистон матбуоти”, “Ижтимоий фикр” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ҳуррият” ва бошқа матбуот нашрларида мавзуга доир кичик мақолалар, тақризлар учрайди. Н.А.Абдуазизова, М.Худойқулов, Ф.А.Мўминов, К.Т.Ирназаров, Ф.И.Мўминова, Х.Дўстмуҳаммад, Ф.П.Нестеренко, Муҳаммад ал-Бухорий, Б.А.Дўстқораев, Ш.Қудратхўжаев, Р.Муҳаммадиев, С.Умиров, К.Исмоилова, Ю.Ҳамдамов, Я.Маматова, М.Мирсоатова, О.Тошбоев, Г.Тоғаева ва бошқаларнинг[8] тадқиқотлари, китоблари, мақолаларида ҳам чиқишларга оид айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бевосита спорт журналистикаси бўйича рус олимлари С.Михайлов, А.Гост[9], мамлакатимиздан А.Имомхўжаев[10]лар томонидан спорт журналистикасига оид айрим йўналишлар тадқиқ этилган бўлса-да телевидениеда оммавий ва болалар спортининг ёритилиши, унда жанрлар хилма-хиллиги мавзуси махсус ўрганилмаган. Мазкур мавзу атрофида тиббий ва ижтимоий нуқтаи назардан илмий анжуманлар доирасида чиқишлар, бакалаврлик ва магистрлик диссертациялар ҳимоя қилинган. Бу эса спорт журналистикаси соҳасидаги илмий-назарий бўшлиқни тўлдиришга камлик қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади**. Малакавий битирув ишининг мақсади сўнгги йилларда спорт соҳаси, жумладан, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳияти ва уларнинг телевидение,

---

автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2009.; Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика), - Т.: ЎзДЖТУ, 2012. ва бошқ.

[8]Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2007.; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.: Шарқ, 2008.; Худойқулов М. Оммавий ахборот воситалари типологияси. – Т.: ЎзМУ, 2000.; Мухаммад аль-Бухари. Общественные отношения и международный информационный обмен. – Т.: ТГИВ, 2001.; Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2007.; Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Қ.Т. Эрназаров умумий таҳрири остида. – Т.: ЎзМУ, 2002.; Современная журналистика. Рук. проекта Ирназаров К.Т. Авторы: Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. – Т.: Зар қалам, 2006.; Муҳаммадиев Р. Публицистика ва унинг жанрлари. – Т.: ТошДУ, 1981.; Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: Университет, 1998.; Мўминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. – Т.: УМЭД–PATENT-PRESS, 2006 ва бошқ .

[9] Михайлов С.А., Мост А.Г., “Спортивная журналистика”, М.: Аспект-пресс, 2002.

[10] Имомхўжаев А. Футбол – қувончим, дардим, фахрим, Т., “Шарқ” НМАК, 1996. Имомхўжаев А. Мафтунингман футбол, Т., “Шарқ”НМАК, 2004. Имомхўжаев А. Ўзбегимнинг Миржалоли, Т., “Шарқ”НМАК, 2006

хусусан “Спорт” каналида ёритилиши, шунингдек, “Спорт” телеканалидаги кўрсатувлари жанрларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, малакавий битирув ишимизда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- спорт комил авлодни тарбиялашда муҳим омил эканлиги хусусида мулоҳаза юритиш;
- мустақиллик йилларида спортни ва болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг мазмуни хусусида мулоҳазалар билдириш;
- спортни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонунлар моҳияти ва ижроси ҳақида фикр юритиш;
- оммавий ва болалар спортини тарғиб этишда “Спорт” телеканалининг ўзига хос ўрнини белгилаш;
- “Спорт” телеканали дастурларининг умумий мавзуси, мазмуни ва таркибини таҳлил қилиш;
- “Спорт” телеканалидаги кўрсатувлар жанрларини ўрганиш ва таснифини яратиш;
- спортга оид дастурларни тайёрлашдаги муаммо ва ечимлар ҳақида мулоҳаза юритиш;
- болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий, илмий ва услубий асослари ҳақида фикр юритиш;
- спорт журналистикаси ва ёшлар спортини ривожлантириш усуллари бўйича хулоса ва таклифлар билдириш ва бошқалардан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Спорт” телеканали орқали намойиш этилаётган дастур ва кўрсатувлар объект сифатида танланди. Тадқиқот предметини эса мавзуга оид назарий маълумотлар, қарашлар, тамойиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Тадқиқот олиб боришнинг методологик асослари бўлиб оммавий ва болалар спортини ривожлантиришга

қаратилган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарлари ва нутқлари асос бўлиб хизмат қилди.

Юқорида қайд этилган журналистика соҳаси олимлари ва тадқиқотчиларининг шу даврга қадар мавзуга даҳлдор илмий адабиётлари ва тадқиқотлари ишни ёзишда назарий асос бўлди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Юқорида таъкидлаб ўтганимиз мавзуга оид илмий-педагогик-услубий тадқиқотлар қилинган, лекин “Спорт” телеканалининг умумий фаолиятидаги кўрсатувларнинг жанрлар хилма-хиллиги тизимли тадқиқ этилмаганлиги боис, мавзу янги ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Малакавий битирув иши мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, шунингдек, шу мавзу доирасида тадқиқот олиб бораётганлар учун қўшимча маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан маъруза ва амалий машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Малакавий битирув ишининг ҳажми ва тузилиши.** Тадқиқот кириш, 6 фаслдан иборат икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат.

# I Боб. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СПОРТНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

## 1.1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилганислоҳотлар мазмуни

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, давлатимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлод жисмонан соғлом ва ақлан етук бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб келинмоқда. Шунингдек, спорт йўналишидаги фаолиятлар замирида ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг асосий омили ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Юртбошимиз кўп нутқларида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганлигини алоҳида тилга олиб ўтади. Ғурур билан айтиш мумкинки, бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида катта муваффақиятларни қўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, қолаверса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир. Шуни таъкидлаш ўринлики, “спорт ҳамма замонларда ҳам мамлакатни жаҳонга танитишнинг муҳим воситаси бўлиб келган ва соғлом, баркамол авлод камоли айнан спорт ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ”[11].

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилидир. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини

---

[11] Каримов И.А. Ёшларимиз – халқимизнинг ишончи ва таянчи. – Т.: Маънавият, 2006. – 27-бет

ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили – болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Мустақиллик йилларида болалар ўртасидаги жисмоний маданият ва спортга эътибор сезиларли даражада кучайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун” (1992 й., 14 январь), “Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ҳақида” (1996 й., 16 март), “Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш ҳақида” (1999 й., феврал) каби қонун ва қарорлар, Миллий Олимпиа Қўмитаси (1992 й., январ), “Соғлом авлод фонди” (1993 й.) каби инфратузилмаларнинг тузилиши бунинг ёрқин мисолларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси футболини ривожлантириш ташкилий ассоциацияси ва тамойилларини тубдан ўзгартириш ва қайта ташкил қилиш, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари (1999 йил 27 май 271-сонли), “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари”, “Соғлом авлод” давлат дастури (2000 й., 15 феврал), “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири (2000 й., 26 май), “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш” (2002 й., 24 октябр) каби қонуний ҳужжатлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан дарак беради. Бу қарор ва қонунлар жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилган, албатта.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар бир маҳалла, оила ва кенг жамоатчилик орасида кенг татбиқ этиш учун барча

шарт-шароитлар яратилган, шу қаторда болалар спортини ривожлантириш масалаларига ҳам юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси туфайли кейинги ўн йил ичида муваффақиятли натижалар қўлга киритилди. Бу жараёнда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида", 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, 2007 йил 12 декабрдаги "2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида", 2010 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида", 2010 йил 1 апрелдаги "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2010 йил 5 майдаги "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2011 йил 19 январдаги "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ва бошқа меъёрлар юртимиз шаҳар ва қишлоқларида болалар спортини ташкил этишда асосий ҳужжат сифатида хизмат қилаётганини таъкидлаш ўринли. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари муҳим

дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Ҳар йили Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти юзасидан ҳисобот берилади. Жумладан, жорий йилнинг 15 март куни Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди[12].

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият кўрсатаётганига ўн йил тўлганини қайд этиб, ўтган даврда бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти ва амалий натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

Йиғилишда болалар спорти объектларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида фойдаланишга топширилаётган болалар спорти объектлари, аввалламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани соҳадаги муҳим натижалардан бири сифатида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини янада кенгайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

[12] www.mtrk.uz “Ўзбекистон” телеканали 2013 йил 15 март кунги дастур.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, малакали спорт мураббийлари, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спорт иншоотларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва спорт билан оммавий шуғулланиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинди ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида  спортни ва болалар спортини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар, қонун ва қарорлар ижроси самарали таъминланмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича қатор лойиҳалар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ва бу тадбирларни ёритишда, тарғиб этишда миллий телевидениемиз, хусусан “Спорт” телеканали катта жонбозлик кўрсатмоқда. Шу ўринда муҳтарам президентимизнинг бу борада айтган қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: “...бизнинг миллий телевидениемиз ҳам Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таратадиган айнан мана шундай лавҳаларни кўпроқ намойиш этса, она юртимизнинг халқаро майдондаги тимсолини яратишга кўпроқ эътибор берса, катта маънавий, тарбиявий ишни амалга оширган бўлар эди”[13]. Ўйлаймизки, Юртбошимизнинг мазкур фикрлари ижроси бугун катта аудиторияга эга бўлиб улгурган “Спорт” телеканали орқали баҳоли қудрат амалга оширилмоқда.

Агар эътибор берадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди:

[13] www.jahonnews.uz

- болалар спорти диққат марказидаги биринчи масала сифатида ўртага ташланди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди;

- аёллар спорти бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, аёллар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилиши йўлга қўйилди;

- оммавий спортга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бунинг боиси, ота-она спортга бефарқ бўлмаса, бола ҳам уларга ҳавас қилиб спортга меҳр қўяди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда

- жисмоний тарбия-спорт жамиятлари;

- спорт федерациялари;

- спорт уюшмалари;

- жамғармалар;

- жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмаларининг ҳиссаси жуда юқори.

Айни пайтда спорт соҳасида мунтазам оммавий тадбирлар олиб бораётган асосий давлат ва нодавлат ташкилотлар сифатида қуйидагилар: Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамғармаси каби қатор ташкилотлар номини келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади.

Профессионал лигалар, уюшмалар, клублар ва бошқа профессионал ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, спортчилар билан битимлар ҳамда меҳнат муносабатларининг бошқа шаклларини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари томонидан меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда халқаро спорт ташкилотларининг уставлари,

хартияси, низомлари ва бошқа ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади”[14].

Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни эса: “Матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, соғлиқни сақлаш идоралари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишни таъминлайдилар.

Спортда шафқатсизлик ва зулмни, инсон қадр-қимматини камситишни, киши саломатлигига зарар етказувчи таъқиқланган гиёҳларни қўллашни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди”[15]. Айни пайтда спорт тарғиботи билан қуйидаги оммавий ахборот воситалари шуғулланмоқда:

- республика миқёсида чоп этиладиган марказий нашрлар ва айни пайтда вилоят, туман газеталари;

- спортга ихтисослашган давлат ва нодавлат махсус нашрлари (“Ўзбекистон футболи”, “Спорт”, “Чемпион”, “Футбол-экспресс”, “Интерфутбол” ва бошқалар);

- махсус спорт турларига, хусусан футболга ихтисослашган сайтлар Ўзбек Футбол Фанатларининг www.uff.uz сайти, Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий www.The-uff.uz, www.uzfootball.com сайти, www.uz-football.vo.uz (Ўзбекистон футболи янгиликлари), www.interfutbol.uz "ИнтерФУТБОЛ" газетаси расмий сайти, футбол клублар расмий сайтлари www.pakhtakor.uz, www.fcneftchi.uz, www.fcandijon.uz, www.fkmashal.com, www.pfc-kuruvchi.com ва бошқа йўналишдаги www.manutd.uz, “Манчестер Юнайтед - Ўзбекистон", www.lokomativ.ucoz.ru "Локомотив" Тошкент фанатлар сайти, www.sam-dinamo.vo.uz" Самарқанд-Динамо" фанатлари сайти, www.fc-arsenal.vo.uz" Арсенал-Центер" - фанатлар сайти, www.fc-navbahor.narod.ru "Навбаҳор-Н" фанатлар сайти кабилар;

---

[14] Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz
[15] Ўша манба.

- хусусий ва давлат радиоканалларида доимий равишда спорт мавзуси ёритилади;

- “Спорт” телерадиоканали;

- спортга доир ташкилотларнинг матбуот хизматлари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этадилар.

Ўтган йиллар давомида спортга жуда катта эътибор билан қаралди. “Соғлом авлод йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Обод турмуш йили”, “Ёшлар йили” каби номлар остида хайрли ишлар амалга оширилди. Бу ишларга мамлакат раҳбари бошчилик қилди, Давлат дастурларида бу ўз ифодасини тўлиқ топди, деб айтиш мумкин. Давлат ва жамоат ташкилотларининг бирортаси бу Дастурдан четда турган эмас. Улар оммавий тарзда турли соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этиб ўз иштирокларини таъминлаш билан бирга, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод тайёрлаш ишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ана шу бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, уларга бўлган эътиборни яна бир бора оширди. Спортга эътибор давлат даражасига кўтарилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам ташкил этиб келинаётган “Умид ниҳоллари”, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасидаги “Баркамол авлод”, олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги “Универсиада” спорт мусобақалари – мини олимпиада вазифасини бажармоқда. Мазкур спорт мусобақаларда ғалабага эришган ёшлар жаҳон ареналарида ҳам мамлакат шарафини ҳимоя қилаётганларини айтиб ўтиш зарур.

Фаслга хулоса қиладиган бўлсак, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётидаги спортга доир барча соҳалар тубдан ислоҳ қилинди. Бир сўз билан айтганда, спорт давлат сиёсати даражасидаги эътиборга сазовор воқеликка айланди.

## 1.2. Ўзбекистонда спорт журналистикасининг ривожланиши

Спорт журналистикаси бу – журналистиканинг шундай бир соҳасики, худди у спортнинг воқеликларини жамлаш, умумлаштириш, энг муҳими ўзига хос жиҳатини сақлаган ҳолда узатишдан иборатдир. Олимпиада ва дунё спортининг ривожланиши инсонларнинг соғлом турмуш тарзига қизиқишлари, интилишлари, жисмоний тарбия ва спортнинг тарғиботи, ташвиқоти, спорт журналистикасининг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу соҳа ривожланиб, борган сари кенг аудиторияни эгаллаб бораётганлигида спорт билан боғлиқ ташкилий масалалар, мусобақаларни уюштириш ва ўтказиш, унга катта маблағлар сарф этиш орқали унинг мавқеини янада кўтариш билан бирга, спорт соҳасида бўлаётган ўзгаришлардан жамоатчиликни хабардор этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳидадир. Спорт оммавий ахборот воситаларининг қайси тури, тармоғида кўпроқ берилиши, спорт билан боғлиқ ахборотларни таҳлил қилган ҳолда қайси ОАВ тури етакчилик қилади? Унинг салбий ва ижобий томонларини ўрганиш орқали аудиторияни қандай тарбиялайди? Ушбу саволларга жавоб топишдан олдин, спорт журналистикасининг асосий хусусиятини ажратиб олиш жуда муҳим. Тадқиқотчи П.Воронковнинг фикрича, спорт газеталари бугун ва айни дамда муаммолар ҳақида ёзмайди, у инсондаги нохуш кайфиятни йўқотишга ёрдам беради ва фақатгина спорт журналистикаси дунёда тинчлик ўрната олишга қодир саналади.

“ОАВ олдида турган долзарб вазифалар, уларга қўйилган вазифалар кўп бўлишига қарамасдан, энг асосий ҳал қилувчи талаб – ҳақиқатни тўлақонли акс эттиришдан иборат, бу ўз навбатида ОАВ ходимлари ва журналистларнинг билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати, фуқаролик позициясига боғлиқ. Бу ОАВ ва журналистлар фаолиятини, айниқса, ахборот билан боғлиқ турли хил жараёнлар учун жуда муҳимдир.”[16]

[16] Каримов И. Энг муҳим мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., 2010. Б.34.

Ўз навбатида соҳанинг ривожланиши баробарида, уни ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Агар мустақилликка қадар спортга ихтисослашган биттагина “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси фаолият олиб борган бўлса, мустақилликдан кейин бир қатор спортга ихтисослашган, шунингдек, спорт турларига ихтисослашган нашрлар пайдо бўлди.

XX асрнинг 30 йиллари бошида, аниқроғи, 1932 йил июнида “Физкультурник Востока” (“Шарқ физкультурачиси”) номи билан Тошкентда илк спорт нашри дунё юзини кўради. Ҳозирда “Спорт” газетаси номи билан нашр этилаётган бу газета 1934-1939, 1953-1991 йилларда “Ўзбекистон физкультурачиси”, “Физкультурник Узбекистана” номлари билан чоп этилган. 1991 йил 3 январдан бошлаб “Спорт” газетаси номи билан нашр этилмоқда. Бугунги кунда газетанинг асосий вазифаси — Ўзбекистон ва жаҳондаги спорт воқеалари, мусобақалар, жисмоний маданият, соғлом турмуш тарзи ва олимпиада ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборат. “Соғлом авлод учун”, “Довруғи дунёга достонлар”, “Олимпия умидлари”, “Яшил майдон”, “Болалар спорти” каби доимий рукнларда материаллар эълон қилиб келмоқда. Газетанинг ўзбек ва рус тилларида кенг оммалашувида Ҳамид Тожибоев, Эркин Жабборов, Юрий Ковалёв, Альберт Назарянц, Евгений Романика, Сафар Остонов, Татьяна Кистанова, Ахбор Имомхўжаев, Асрор Мўминов каби журналистларнинг ҳиссаси катта бўлди.

1993 йилдан ушбу газетанинг иловаси — “Ўзбекистон футболи” газетаси чиқарилади. “Спорт” газетасининг вилоятларда ўз мухбирлари фаолият юритади. Бугунги кунда “Спорт” газетасининг ўзбекча нашри 3 мингга яқин, рус тилидагиси 2 минг нусхада чоп этилмоқда. Газетага 2013 йилдан бошлаб Ойбек Юнусов бош муҳаррирлик қилмоқда.

Янги XXI аср бошида мамлакатимизда бир қатор спортга ихтисослашган нашрлар дунё юзини кўрди. Улардан баъзилари ҳақида маълумот бериб ўтамиз:

“Интерфутбол” газетаси. Таҳририят манзили — Наманган вилояти Косонсой шаҳри. 2001 йил сентябрь ойидан чиқа бошлаган. Муҳаррири —

Абдураҳмонхўжа Аҳмедов. Газета ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари А-4 форматда нашр этилади. 2013 йил 9 апрель сешанба кунидаги 28(1028)-сони 16900 нусхада босилган. 12 апрель жума кунидаги 29(1029)-сони эса 10000 нусхада нашр этилган.

“Футбол инфо” газетаси. Таҳририят манзили — Фарғона шаҳри. Қачон чиқа бошлагани газетада берилмаган. Сешанба куни чиқадиган бу газетанинг 2013 йил 23 апрелдаги 17(311)-сони 4420 нусхада А-3 форматда 2 босма тобоқ ҳажмида босилган. Бош муҳаррири — Мирзоҳид Мирзаев.

“Интерспорт” газетаси. Таҳририят манзили — Косонсой шаҳри. Қачондан бошлаб нашр этила бошлангани ҳақида газетада маълумот берилмаган. Сешанба куни чиқадиган бу газетанинг 2013 йил 9 апрелдаги 7(49)-сони 1000 нусхада А-3 форматда нашр этилган. Муҳаррири — Муҳаммадхон Пўлатов.

“Спорт янгиликлари” газетаси. Таҳририят манзили — Тошкент шаҳри. Қачондан бошлаб нашр этила бошлангани ҳақида газетада маълумот берилмаган. Сешанба куни чиқадиган бу газетанинг 2013 йил 16 апрелдаги 15-сони 8562 нусхада А-3 форматда 4 босма тобоқ ҳажмида нашр этилган. Бош муҳаррири — Ориф Ўлмасов.

“Футгол” газетаси. Таҳририят манзили — Тошкент шаҳри. 2010 йил 22 июндан нашр этила бошлаган. Сешанба куни чиқадиган бу газетанинг 2012 йил 29 майдаги 21(101)-сони 6100 нусхада А-3 форматда 6 босма тобоқ ҳажмида нашр этилган. Муҳаррири — Фурқатбек Нишонов.

Шунингдек, янги аср бошларида “Теннис+”, “Футбол+”, “Чемпион”, “Қашқадарё спорти”, “Футбол мундиал”, “Стадион” каби асосан футболга ихтисослаштирилган спорт нашрлари пайдо бўлди. Ушбу газеталарнинг айримлари айни пайтда фаолият юритмаяпти, баъзилари қисман танаффус билан чоп этилмоқда.

Спорт, хусусан, футбол тарғиботига хизмат қилаётган бундай спорт нашрларининг сони кўпайгани яхши, албатта. Аммо ушбу газеталарни варақлар экансиз, уларнинг барчаси деярли бир хил материалларни эълон қилганига

гувоҳ бўласиз. Яъни бу газеталарнинг деярли барчаси маҳаллий хабарлардан кўра ҳам Европанинг кучли бешлик чемпионатлари натижалари, жадваллари, статистикаларига кўпроқ ўрин ажратади. Чунки бунинг йўли осон: интернетга киради, керакли сайтларни очади, зарур маълумотларни кўчириб олади, жадвалларини саҳифаларга жойлаштиради, лозим бўлган матнларни таржима қилади — шу билан газетанинг 80 фоиз саҳифаси тайёр. Мулоҳазали материаллар кам, маҳаллий футболга оид хабар ва маълумотлар ҳам ҳозирда оммалашган саноқли сайтлардан шундоққина кўчириб олиб, саҳифаларга жойлаштирилади. Натижада бир кунда ўнта футбол нашри чоп этилса, уларнинг барчасини бир жойга йиғиб, кузатсангиз, эгизак газеталар бўлиб қолганига гувоҳ бўласиз. Ҳатто битта материал иккита нашрда ҳам айнан берилиши мумкин экан. “Спорт” газетасининг 2013 йил 16 апрель куни чоп этилган 16(7264)-сонида эълон қилинган бешта материал “Ўзбекистон футболи” газетасининг 18 апрель куни босмадан чиққан 16(1221)-сонида айнан берилганига гувоҳ бўлдик. Булар “Ҳамюртларимиз халқаро эътирофда”, “ФИФА рейтинги: терма жамоамиз етти поғона пастлади”, “Эмирейтс кубоги-2013 — учта ўйин ва учта мағлубият”, “Машъал” ва “Андижон”га рақибнинг фарқи йўқ...ми?” ҳамда “Бунёдкор»нинг мағлубиятидан “Локомотив” фойдаланди” каби материаллардир. Бундай йўл билан газета обрўсини кўтариб бўлмайди.

Газета моҳиятан ахборот етказиб бериш билан шуғулланса ҳам, у ишлаб-чиқариш махсулотидир. Маҳсулотнинг харидоргир бўлиши унинг сифатига ҳам боғлиқ. Демак, одамларга қизиқарли бўлган ахборотнинг қуруқ ўзини бериш, бугунги кунда ўқувчини диққатини жалб қилмайди. Фотосуратларнинг берилиши ҳам самарали восита эмас. Ҳозир комьютер дизайнлари, график жараёнлар газетани мазмундор, кўзга ташланадиган бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга рекламага борган сари талаб ортаётир.

Нафақат босма нашрларда, балки телевидение, радио, интернет тармоғида спорт йўналишидаги эшиттиришлар, кўрсатувлар, спорт сайтлари

ташкил этилди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2004 йилдан бошлаб, Ўзбекистон телевидениесининг 4-канали “Спорт” телерадиоканалига айлантирилиши, шу билан бирга “Машъал” радиоканали бевосита “Спорт” телерадиоканали тасарруфига ўтказилиши соҳа билан бир қаторда спорт журналистикасига ҳам эътибор ортганлигидан далолат беради.

Каналнинг энг асосий мақсадлари:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш;
- болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш;
- миллий спорт турларини тарғиб қилиш;
- халқаро саҳналарда юртдошларимиз иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш деб белгиланди.

“Спорт” телеканалида ҳозирда 150 дан ортиқ ишчи-ходим фаолият юритади. Канал кўрсатувлари ўзбек ва рус тилларида намойиш этиб келинмоқда. Дастлабки йилларда юртимиз ва жаҳонда бўлиб ўтган йирик мусобақаларни мухлисларга етказиб беришда Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Акром Тошхўжаев, Азим Алиев, Комил Жумаев, Қўзижон Ҳакимов, Элдор Мустафоев каби ижодкорлар самарали фаолият юритдилар. Аммо, вақт ўтиши билан айрим лойиҳалар ва уларнинг муаллифлари телевидение соҳасидан баъзи сабабларга кўра четлатилди. Ваҳоланки, уларнинг бу соҳада тажрибаси бор эди. Мисол учун, “ФИФА”(Футбол ичида, футбол атрофида) – ҳар жиҳатдан мантиқли кўрсатуви билан томошабин эътиборини торта олган эди. Айни пайтда на кўрсатув, на муаллиф каналда фаолият олиб боряпти. 2005 йил сўнгидаги ўзгаришлардан сўнг “Спорт” телеканали ва “Машъал” радиоканали қўшилиб, “Спорт” телерадиоканали Давлат унитар корхонаси кўринишида ўз фаолиятини олиб боряпти.

Табиийки, спорт журналистикасининг ривожланиши бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, спорт соҳасини ёритишда пайдо бўлган янги

тенденцияларни тадқиқ этиш, спортга ихтисослашган ОАВ ҳамда ОАВда ёритиладиган спорт мавзуларини қиёсий таҳлил қилиш лозимлигини тақозо этади.

Спорт журналистикаси оммавий ахборот воситаларининг қай бирида бўлмасин у хабар беради, қайта ишлаб таҳлил қилинган ҳолда ахборотни етказади, салбий ва ижобий мисоллар билан аудиторияни тарбиялайди. П.Воронковнинг таъкидлашича: спорт журналистикаси 5та асосий вазифани бажаради:

1. Эскейпизм.
2. Яхши кайфият улашиш.
3. Ахборот бериш.
4. Таҳлил қилиш.
5. Тарбия бериш.

Бугунги кунда спорт оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение ва радиодастурлар аудитория учун яхши кайфият улаша олади. Чунки, спорт журналистикаси ҳаваскор спортчиларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини юритади. Спорт ОАВ ўзининг алоҳида аудиториясига эга.

Кўриниб турибдики, спорт журналистикасининг ривожланиши ва малакали ёш журналист кадрларнинг кўпайиши натижасида ўзбек спортчиларининг шон-шуҳрати мамлакатимиз миқёсида ва шунингдек, жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига хизмат қилади. Ахир спорт юрт байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Шундай экан, бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим.

Спорт журналистикаси одамдан катта билим талаб қилиши билан бирга, соҳага бўлган муҳаббатни ҳам талаб қилади. Телеканал раҳбарияти бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Яъни, спорт журналистикаси бўйича ўз фикрига эга, турли таҳририятларда фаолият олиб борувчи, соҳа бўйича маълум кўникмаларга эга ёшларни телевидение ишига жалб қилди. Мисол учун, радио

соҳасида иш олиб борувчи Олимжон Турдибоев каналнинг бош кўрсатуви "Хабарлар" информацион дастурининг бошловчиси сифатида танилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан оммавий ахборот воситаларида республикада футболнинг мунтазам ва тизимли асосда фаол тарғиб қилинишини ва оммалаштирилишини таъминлаш, 2011 - 2013 йиллар мобайнида олий лига футбол клублари стадионларида радио ва телешарҳловчилар учун замонавий ахборот - коммуникация воситалари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этиш, футбол ўйинларининг телевидение ва интернет тармоғи орқали тўғридан - тўғри узатилишини таъминлаш, спорт, интернет - журналистикасини қўллаб- қувватлаш, ватанимиз футболини тарғиб қилишга ихтисослашаётган мавжуд ва янгидан очилаётган веб-сайтларни моддий рағбатлантириш бўйича комплекс чора - тадбирларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда республиканинг ихтисослашган олий таълим муассасаларининг ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг тегишли факультетлари негизида спорт, шу жумладан футбол соҳасига ихтисослашган профессионал журналистлар, шарҳловчилар, режиссёрлар ва телеоператорлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш масаласи ўртага ташланди ва ушбу қарорга мувофиқ эса Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети таркибида магистратура йўналишида спорт журналистика мутахассислиги ташкил этилди. Бу ўз навбатида юртимизда ушбу соҳага бўлган эътиборнинг жуда кучлилиги ва унинг шаклланишида барча имкониятлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Спорт журналистикасида яхши мутахассис бўлиш учун биздан, мавжуд спорт турларининг тарихи, қонун қоидалари, ҳаётимизда тутган ўрни хақида билиш қаттиқ талаб қилинади. Статистик маълумотларга эгалик, чет

тилларини мукаммал билиш, ижодда холислик, юксак билимлилик, одоб ва албатта маҳорат спорт журналисти учун асосий мезонларга айланмоғи лозим.

Фасл юзасидан хулосалар:

- мустақиллик йилларида республикада спорт журналистикаси миллий журналистиканинг алоҳида йўналиши сифатида қарор топди;
- теле-, радио журналистика соҳасида махсус тармоқлар, каналлар ташкил этилди;
- спорт журналистикасига ихтисослашган босма нашрлар таъсис этилди;
- спорт журналистлари етишиб чиқди;
- нодавлат босма нашрларда ютуқлар қатори, ҳам ташкилий, ҳам ижодий нуқсонлар кузатилди.

## 1.3. Тележурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари
## (“Спорт” телеканали дастурлари мисолида)

Жамиятимизда хуқуқий демократик тамойилларнинг қарор топишида оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Телевидение омма фикрини, қолаверса, маънавиятини шакллантиришга хизмати этувчи кучли восита сифатида намоён бўлиб келмоқда. Энг асосийси, телевидение кишиларнинг ахборот олиш манбаси ва маданий ҳордиқ чиқаришга хизмат қилувчи санъат тури эканлигини ҳаммамиз англаймиз.

Жамоатчиликнинг телевидениега, кундан-кунга қизиқиши ортиб бормоқда. Хозирги пайтда телевизор турмушимизнинг зарур воситаси сифатида ҳар бир оиланинг ахборот олишини таъминлайди. Инсон умр кўриш жараёнида моддий ва маънавий қониқишига интилади. Бу инсоннинг табиий эҳтиёжи. Оммавий ахборот воситалари ичида телевидение инсон маънавий дунёсини шакллантирувчи восита сифатида хизмати беқиёс. Унинг принцип ва вазифалари миллий манфаатимиз талабларидан келиб чиқади.

Юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг самарали таъсирчанлигига боғлиқ томонлари кўп. Фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари орасида телевидениенинг жамиятмизда тутган роли матбуот ва радиога нисбатан катта. Телевидение фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни даврнинг ўзи талаб қиляпти. Жамиятимизнинг турли соҳаларидаги чуқур ўзгаришлар, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётининг ислоҳатлар сурати телевидениеда ўз аксини тўлиқ намоён қилиши зарур. Телевидение инсон мафкурасини бойитиш ва юртига садоқат руҳида тарбияловчи кучли тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Кўрсатувларни мазмундор ва сифат жиҳатидан юксак савияда тайёрловчи журналист кадрлар салоҳияти кўп нарсани белгилаб беради.

Шундай қилиб, телевидение оммавий ахборот воситалари орасида матбуот ва радио каби жамиятнинг ғоявий қуроли сифатида маълум мақсадлар

доирасида кенг кўламда иш олиб боради. Унинг оммавий ахборот воситалари орасидаги ўрни қуйида белгиланган вазифалардан англаб оламиз:

*– давлат ёки жамоат ташкилотларнинг ғоясини тарғиб этиш;*

*– омманинг ахборотга бўлган талабини қондириш;*

*– жамиятимиздаги турли қатламдаги кишиларни бир мақсадга сафарбар этиш;*

*– кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш;*

*– миллий маданий меросимизни тарғиб этиш ва уни ривожлантириш.*

Шу ўринда айтиш мумкинки, телевизион журналистика – техника базасидаги сиёсат ва ижоддир[17]. Маълум бир қонуниятлар, принциплар, қоидалар профессионал журналист фаолиятини ташкил қилади.

“Спорт” телеканали ҳам тележурналистиканинг ўзига хос тури сифатида қуйидаги асосий мақсадларга эришишга ҳаракат қилмоқда:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш;
- болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш;
- миллий спорт турларини тарғиб қилиш;
- халқаро саҳналарда юртдошларимиз иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш ва бошқалар.

“Спорт” канали дастурларини тизимли равишда кўриб чиқадиган бўлсак уларни *бир неча гуруҳларга* бўлиш мумкин.

*Биринчи гуруҳга*, болалар спортига бағишланган кўрсатувлар каналдан кенг ўрин ола бошлади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи бундай лойиҳаларга “Болалар спорти”, “Қувноқ стартлар” кўрсатувларини киритиш мумкин. Болалар учун яратилган шарт-шароитлар дастурларда ўз ифодасини топа бошлади. Бугунги кунга келиб “Спорт” телерадиоканали республикамизнинг 94,5 фоиз ҳудудини қамраб олган. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзига катта қизиқиши телеканал аудиториясининг қанчалик кенг эканлигидан

[17] Ибрагимов Ш. Тележурналистика асослари. – Тошкент, 2013. – Б.5

далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, телеканал ижодкорларига катта масъулият юклайди.

*Иккинчи гуруҳга*, халқ ўйинларини тарғиб этувчи кўрсатувларни киради. Мисол учун, “Кураш”, “Халқ ўйинлари” каби кўрсатувларни киритиш мумкин.

*Учинчи гуруҳга*, оммавий спорт мусобақаларини ёритувчи кўрсатувларни мисол сифатида келтириш мумкин. Яъни, “Футбол шарҳи”, “Гол” каби лойиҳалар, футбол, волейбол ва бошқа оммабоп мусобақаларни айтиб ўтиш жоиз.

*Тўртинчи гуруҳга* эса, трансляциялар киради. Дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтадиган мусобақалар тўғридан-тўғри ёки ёзиб олиниб, эфирга узатиб келинмоқда. Мисол учун, Осиё чемпионати, Осиё чемпионлар кубоги, Олимпиада ўйинлари, Жаҳон чемпионати ва бошқаларни киритиш мумкин.

*Бешинчи гуруҳга,* вилоятлар спортига бағишланган махсус кўрсатувларни келтириб ўтиш керак. Канал ижодкорлари вилоятлар билан тўғридан-тўғри эфирда мулоқот олиб боришади. Мисол учун, Андижон- Бухоро, Навоий-Сурхондарё вилоятлари билан ўтказилган телекўприкларда мамлакатимизнинг чекка жойларида спортга бўлган эътибор, болаларни оммавий спортга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ушбу ҳудудлардаги мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар телемулоқотга жалб қилиниб, уларнинг спортни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

*Олтинчи гуруҳга*, аёллар спортини ривожлантиришга қаратилган кўрсатувларни киритиш мумкин.

Журналистиканинг вазифаси мавжуд инсонларни реал ҳолатда кўрсатиш. Бирор фикрни бировга етказиш ёки бирор мавзуни ривожлантиришда биргина камеранинг имкониятларидан фойдаланиш етарли эмас. Шу сабабли сўз телевилениедаги ҳужжатли услубларнинг энг муҳим тушунчасидир. Аммо журналистикада сўзнинг вазифалари матбуот журналистикасидан бироз фарқ

қилади. Кадрдаги ёки кадр ортидаги сўз гўёки тирилиб кетгандай бошқача чирой олади. У экранда нима кўрсатилаётганидан қатъий назар тимсоллаштирилган, яъни образлаштирилган, янада яқинроқ айтадиган бўлсак, реаллаштирилган. Шунинг учун ҳам экрандаги сўзга қўйилувчи талаблар, матбуотда фойдаланувчи сўз олдига қўйиладиган талаблардан бутунлай фарқ қилади.

Фаслга хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш муҳим:

- Тележурналистика ОАВ орасида ўзининг тезкорлиги, таъсирчанлик хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради.
- “Спорт” телеканали ўз фаолияти давомида тележурналистикада муҳим бўлган а*хборот узатиш, маданий – маърифий, интегратив,ижтимоий-педагогик, таълим бериш, рекреатив вазифаларни бажариб келмоқда.*
- “Спорт” телеканали ўз фаолияти давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш; болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш; миллий спорт турларини тарғиб қилиш; халқаро саҳналарда юртдошларимиз иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш ва бошқа мақсадларга эришишга ҳаракат қилмоқда;
- “Спорт” телеканали ходимлари ўз аудиторияси кўламини кенгайтиришда турли усуллардан фойдаланиб, айниқса, миллий ва халқаро спорт мусобақаларни жонли, тўғридан-тўғри узатиш вазифасини уддалашмоқда. Шунингдек, “Спорт” канали дастурларида жонли эферлар давомида нутқ маданияти ва шарҳ жараёниджа айрим услубий нуқсонлар кузатилаётганлигини таъкидлаш ўринли.

## 1-боб бўйича хулосалар

Малакавий битирув ишимизнинг “Мустақиллик йилларида спортнинг юксалиши ва спорт журналистикасининг ривожланиши” деб номланган 1-бобига хулоса ясайдиган бўлсак, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар мазмуни ҳамда спорт журналистикасининг ривожланиши ҳақида фикр юритилиб, мазкур боб ва фасллар бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Спорт ҳамма замонларда ҳам мамлакатни жаҳонга танитишнинг муҳим воситаси бўлиб келган ва соғлом, баркамол авлод камоли айнан спорт ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ”[18].

2. Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

3. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ва қарорлар, Миллий Олимпиа Қўмитаси , “Соғлом авлод фонди” каби инфротузилмаларнинг тузилиши кабилар бунинг ёрқин мисолларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси футболини ривожлантириш ташкилий ассоциацияси ва тамойилларини тубдан ўзгартириш ва қайта ташкил қилиши ва уларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан дарак беради. Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан дарак

4. Ўтган йиллар давомида қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- ✓ болалар спорти диққат марказидаги биринчи масала сифатида ўртага ташланди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди;
- ✓ аёллар спорти бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, аёллар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилиши йўлга қўйилди;
- ✓ оммавий спортга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

[18] Каримов И.А. Ёшларимиз – халқимизнинг ишончи ва таянчи. – Т.: Маънавият, 2006. – 27-бет

5. Спорт журналистикаси бу – журналистиканинг шундай бир соҳасики, худди у спортнинг воқеликларини жамлаш, умумлаштириш, энг муҳими ўзига хос жиҳатини сақлаган ҳолда узатишдан иборатдир.
6. Спорт журналистикасининг ривожланиши бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, спорт соҳасини ёритишда пайдо бўлган янги тенденцияларни тадқиқ этиш, спортга ихтисослашган ОАВ ҳамда ОАВда ёритиладиган спорт мавзуларини қиёсий таҳлил қилиш лозимлигини тақозо этади.
7. Статистик маълумотларга эгалик, чет тилларини мукаммал билиш, ижодда холислик, юксак билимлилик, одоб ва албатта маҳорат спорт журналисти учун асосий мезонларга айланмоғи лозим.

# II Боб. “СПОРТ” ТЕЛЕКАНАЛИДАГИ ДАСТУРЛАРДА ЖАНРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА МАВЗУНИ ЁРИТИШДА МУАЛЛИФЛАР МАҲОРАТИ

## 2.1. “Спорт” теликанали дастурлари мавзуси, мазмуни ва таркиби

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш максадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос мухташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани юқоридаги фикримизни далиллайди. Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида 3 босқичли тизимдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинлари тобора оммалашмоқда. Шу билан бирга оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканлигини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилияти ва истеъдодини рўёбга чикаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда спорт бўйича Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни миллий ОАВ баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилмоқда. Мавжуд имкониятлардан спорт журналистикаси самарали фойдалана олишга интилаётир. Айни кунда барча соҳалардаги каби спорт журналистикасида ҳам ихтисослашув жараёнлари кетмоқда.

Айтиш керакки, истиқлолнинг дастлабки йилларида спорт журналистикасида малакали кадрлар танқислиги кузатилган эди. Матбуот, телевидение ва радиода спорт борасида журналистик фаолият олиб бораётган кадрларнинг савияси профессионал талабларга жавоб бермасди. Жойларда эса айрим мутасаддилар томонидан мамлакатимизда спорт борасида кенг кўламли ислоҳотларга панжа орасидан қараш ҳоллари мавжудлиги сабаб, бу масала

юзасидан жамоатчилик фикри суст шаклланган эди. Юртимизда спорт соҳасига ихтисослашган газеталар мавжуд. “Футбол экспресс”, “Бокс+футбол”, “Интерфутбол” каби қатор марказий ва ўнлаб маҳаллий нашрлар спорт соҳасини имкон даражасида ёритиб келса-да, лекин спортга ихтисослашган бошқа турдаги ОАВ, масалан, радио ёки телеканал мавжуд эмас эди.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида яна бир эзгу ишга кўл урилди.

2003 йил 4 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт” телеканалини ташкил этиш тўғрисидаги қарори мамлакатимиз спорт оламида оламшумул воқеа айланди. ОАВ, хусусан спортга ихтисослашган оммавий ахборот воситалари ривожида бу ниҳоятда йирик қадам бўлди. 2004 йил январ ойидан бошлаб “Спорт” телерадиоканали илк бор эфирда 1 кунда 6 соат мобайнида ўз дастурларини намойиш қила бошлади.

“Спорт” телерадиоканали давлат унитар корхонаси шунингдек, қуйида келтирилган қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2005 йил 27 декабрдаги қарори асосида ҳам фаолият кўрсатади.

“Спорт” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-кувватлаш ҳамда ривожлантиришга мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш;
- соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш;
- болалар спорти ва оилавий спортни оммавий равишда ривожлантириш;

- жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шаклларини ташкил қилиш;
- оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга, бағишланган теле-ва радиодастурларни тайёрлаш;
- хорижий телерадиокомпанияларнинг энг яхши дастурларини, шу жумладан жаҳон спорти, олимпия ҳаракати тарихига, халқаро спорт ташкилотлари фаолиятига бағишланган дастурларни олиб кўрсатиш;
- Республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини тўғридан-тўғри трансляция қилишни ташкил этиш;
- Давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорлари, мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган, ҳуқуқий-демократик давлатни, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлардан мамлакат аҳолиси, шунингдек чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама ва холис хабардор қилиб бориш;
- Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-кувватлаш ҳамда ривожлантиришга, мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, болалар спорти ва оилавий спортни оммавий равишда ривожлантириш, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шаклларини ташкил қилиш, оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга бағишланган теле ва радиодастурларни тайёрлаш.

Шунингдек, қарорда спорт соҳасини фаол тарзда ёритган журналистларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган эди. Унга биноан журналистлар энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 20 баробаригача мукофотланадиган бўлди. Мазкур мукофот соҳиблари ҳар йили 27 июнь – “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” байрами арафасида эълон қилиниши ржалаштирилди. Айнан ёш кадрларни ўз таркибига қамраб олган “Sport” телерадиоканали билимли ёшларга эга эканлигини дастлабки йиллардаёқ исботлади. 2008 йил мобайнида ушбу телеканалнинг икки ходими Акром Тошхўжаев ва Нилуфар Сотиболдиевалар йилнинг энг яхши журналисти бўлиб, “Олтин қалам” нуфузли танловида ғолибликни қўлга киритишди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон давлат университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетларида истиқболли йўналишларни инобатга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахасисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари магистратурасида “Спорт журналистикаси” мутахасислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксари танийдиган машҳур спорт шарҳловчилари, журналистлар ушбу каналда фаолият юритишади. Элдор Мустафоев, Комил Жумаев, Даврон Файзиев, Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Мусурмон Элмуродов, Зафар Имомхўжаев, Мурод Ризаев, Дилшодбек Тўхтабеков каби шарҳловчилар бугун барча спорт мухлисларига таниш.

Кўрсатувларнинг ***жанр хусусиятларига*** тўхталадиган бўлсак, бадиий-публицистик жанрдаги кўрсатувлар канал эфирларидан кенг ўрин олган. “Тақдир чизгилари”, “Аёл ифори”, “Болалар спорти”, “Матонат” кўрсатувлари асосан мазкур жанрларда эфирга узатилади. “Брейн ринг” деб номланган

Ғанишер Раҳматуллаевнинг спортга бағишланган телеўйин жанридаги кўрсатувини ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари, таҳлилий жанрдаги кўрсатувлар ҳам мавжуд. Буларга "Футбол шарҳи", "Евро тайм" кўрсатувларини киритиш мумкин. Шунингдек, жонли эфирга узатилувчи "Гол" телелойиҳаси эътиборни тортувчи энг асосий интерактив усулдаги кўрсатувлардан ҳисобланади. "Вилоят спорти" кўрсатуви таҳлилий жанрлар тизимидаги "Телекўприк" жанрида тайёрланади. Каналда "Дув-дув гап", "Стать ближе", "Қўша қаринг", "Шохсупага йўл" деб номланган ток-шоу жанридаги кўрсатувлар ҳам мавжуд.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили", 2013 йилнинг "Обод турмуш йили", 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан махсус кўрсатувлар ҳам эфирга узатила бошланди. Турли спорт мусобақаларида ғалабага эришган ёшлар ҳақида маълумот берувчи чиқишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Сўнгги "Универсиада" мусобақаларида ютуқларга эришган ёшлар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилмоқда.

"Миллионлар диққатига ҳавола этиладиган телеэкран асари интеллектуал ижод намунаси, санъат тури бўлгани ҳолда, у малакали мутахассислардан иборат бўлган ижодий гуруҳларнинг фаол иштироки натижасида яратилади. Бу ижодий гуруҳ журналист, режиссёр, тасвирчи, мусиқий безакчи, монтаж устаси, чироқ устаси, кранчи-мутахассислардан иборатдир"[19] деб ёзади муаллиф телевидение режиссураси ҳақидаги мақоласида. Кўрсатув тайёрлашда ҳар бир касб эгасининг тутган ўрни жуда юқори. Кўрсатув муваффақияти фақат муаллиф маҳоратига боғлиқ эмас. Телевизион лойиҳада тасвирлар турли ракурсларга қараб белгиланади. Бошловчи ўзи истаган ҳолда турли нуқталардан кўрсатувни олиб бориши, у гоҳ экспертлар ҳузурида, гоҳ томошабинлар ичида бўлиши мумкин. Ҳар қандай маҳорат мақсадга қараб интилишдан, шу мақсад йўлида муттасил фикр юритиш, таҳлил қилиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш, изланиш, ўз иши, яратган асарини дунёдаги энг буюк

[19] Абдухолиқов И. Телевидение режиссураси, "Садо" газетаси 2007 йил 11 январь

асарлар намуналари билан таққослаш, катта тажриба тўплаш ва сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган, ҳар бир ижодий шахс онги, шуури билан етадиган чўққиларни эгаллашдан ва бошқа муқаддас тарифу тавсифларга риоя қилишдан бошланади. “Спорт” телеканалида кейинги пайтда режиссурага алоҳида аҳамият билан қараляпти. Буни таъкидламасдан бўлмайди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчи ёшлари ўртасида бўлиб ўтадиган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг тафсилотлари, мазмун-моҳияти, бу ўйинларнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни, соғлом авлодни тарбиялашдаги аҳамияти жонли лавҳаларда ўз ифодасини топди.

Ўтган йиллар давомида “Спорт” телеканалида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга кенг татбиқ этилди. Жумладан, “Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари” бош муҳарририяти томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи "Шижоат", фахрий спортчилар ва мураббийлар ҳақида ҳикоя қиладиган “Тақдир чизгилари”, хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш, қизларимизнинг муваффақиятларини ёритувчи "Спортимиз маликалари", “Жозиба” туркум кўрсатувлари янгича қиёфада хонадонларга кириб борди. Бундан ташқари, "Спорт уик энд", "Тет-а-тет", "Баркамол авлод", "Спорт менинг ҳаётим", "Рондо", "Автограф", "Звёздный матч", "Стать ближе", "Фоторевью" кўрсатувларида ҳам замондошларимиз ҳаётидаги муҳим воқеликлар таҳлил, тафсилотлар билан ёритилди.

Шунингдек, ходимлар малакасини ошириш мақсадида турли хорижий давлатларга сафарлар уюштирилди. Бир неча ижодий ва техник ходимлар Миср, Туркия, Малайзия, Япония каби дунёнинг йирик мамлакатларида ўқув амалиётларида бўлиб қайтишди. Бундан ташқари, "Спорт" телерадиоканали билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган Қашқадарё, Хоразм ва Наманган вилояти телерадиокомпанияларининг ходимлари ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорликда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, бир катор янги режаларни амалга ошириб келишмоқда.

"Спорт" телерадиоканали ижодкорлари ҳам бу йил учун қатор режаларни амалга оширишни мақсад қилиб олишди. Ҳар бир муҳаррирриятнинг вазифалари белгилаб берилди. Телерадиоканалнинг асосий кўрсатувлари тайёрланадиган "Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари" бош муҳарририяти томонидан ишлаб чиқилган режадан қишлоқда оммавий спортни ривожлантириш ва бу ерлардан моҳир спорт усталари етишиб чиқиши учун, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, тадбирларни ёритиш асосий ўрин олган. "Баркамол авлод" кўрсатувида ана шу ҳақда атрофлича сўз юритиб борилади.

"Маҳалламиз паҳлавонлари", "Соғлом оила", "Халқ ўйинлари" сингари кўрсатувларда қишлоқ жойларидаги ибратли маҳалла ва оилалар, кенг тарқалган миллий ўйинлар ёритилади. Бундан ташқари, "Спорт уик энд", "Тет-а-Тет", "Спортимиз маликалари" кўрсатувлари, "Қувноқ стартлар" телемусобақасида ҳам бугуннинг долзарб масалалари ўз аксини топади.

Умуман олганда, "Спорт" телерадиоканали ходимлари турли спорт тадбирларини ёритиш, мавзу тафсилотларини интерактив равишда томошабинларга атрофлича етказишда астойдил хизмат қилишмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, юртдошларимизнинг оламшумул ғалабаларини турли ижтимоий видеороликлар орқали оммага етказишда тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

## 2.2. “Спорт” телеканалидаги бўлим ва муҳарририятлар фаолияти

Соғлом авлодни тарбиялаш ишларига асосий эътибор қаратилаётган бугунги кунда қишлоқларимизда қад ростлаган, энг кўркам ва замон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларининг илғор технологиялар асосида тайёрланган жиҳозлар билан таъминланиши жадал суръатларда давом этади ва у ерлардан ҳам Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқади, деган умиддамиз. Бундай ютуқларни томошабинларга бекаму-кўст етказиш телерадиоканал ижодкорларидан изланувчанликни талаб этади. Бугунги кунга келиб, каналда бешта муҳарририят фаолият олиб боради. Улар қуйидагилар:

“ХАБАРЛАР” информацион дастурлари” бош муҳарририяти:

“ХАБАРЛАР”. Ватанимиз спортида содир бўлаётган энг муҳим воқеалар ҳақида тезкор ахборот бериш, жаҳон спорти янгиликларини ўз вақтида мухлисларга етказиб бериш, спортнинг ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдаги аҳамияти ҳамда бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатини тарғиб этади. Шу билан бирга 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан юртимизнинг турли ҳудудларида қуриб, ёшлар ихтиёрига топширилган спорт иншоотларининг фаолияти, уларда аёллар спортини ривожлантириш учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи ёшларнинг Осиё ва жаҳон чемпионлари билан учрашувларини ташкил этиш ва уларни кенг ёритиш кўзда тутилган. Дастур ҳар куни тўрт марта 20 дақиқа, ҳамда 15 дақиқалик кундузги эфирда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

“Талқин”. (“Версия”). Мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ҳаётида юз бераётган энг муҳим янгиликлар, ҳукумат қарорлари, фуқароларимиз турмуш тарзини спорт дунёсига боғлаган ҳолда таҳлил этиб бериш. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, спорт федерациялари фаолияти, мавжуд муаммоларга танқидий ёндашган ҳолда спортнинг ёш авлодни баркамол бўлиб вояга етишидаги

ўрнига урғу бериш, унинг миллатни улуғлаши, дунёга танитишидаги ўрнини кенг оммага тушунтириш, тарғиб этиш, узлуксиз таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тизими, жойларда халқнинг тарихий, маданий меросига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналаримизнинг боқийлиги, шунингдек, ҳар йилги Давлат дастурлари дорирасида амалга ошириладиган ишлар ҳам батафсил ёритиб борилади. Дастур ҳар якшанба 30 дақиқа давом этади.

“БОЛАЛАР СПОРТИ, ОММАВИЙ СПОРТ ВА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ” бош муҳарририяти:

“Вилоят спорти одимлари”. Ушбу кўрсатув 2009 йилдан бошлаб, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланиб, навбатма-навбат Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар билан телекўприклар уюштирилади. Асосий эътибор қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратилади. Кўрсатув мавзусига оид видеолавҳалар берилади. Уларга мутахассислар, журналистлар, спортчи ва мураббийлар ўз муносабатини билдиришади. Дастур ойда икки марта, 60 дақиқа давом этади.

“Спорт – менинг ҳаётим”. Мазкур кўрсатув ўз ҳаётини спортга бахшида этган, уни янада кенг тараққий этиши учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фидоий инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, кўрсатувда ҳакамлар, спорт мухлислари ҳамда катта спортга дадил кириб келаётган умидли ёш спортчилар хақида ҳам сўз юритилади. Ҳафтада бир марта, 15 дақиқа эфирга узатилади.

“Маҳалламиз паҳлавонлари”. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юртдошларимиз иштирок этадиган телемусобақа республикамизнинг қишлоқ жойларида тасвирга олинади. Унда мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, барчага ибрат бўлаётган маҳаллаларнинг спортсевар инсонлари ўз куч ва қобилиятларини намойиш этишади. Ушбу

телемусобақани Республика бўйлаб ташкил этиш режалаштирилган. Кўрсатув ойда бир марта, 30 дақиқа намойиш этилади.

“Жасур болалар”. Кўрсатув ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган мусобақа шаклида тайёрланади. Унда икки жамоа аъзолари фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўзлаштириш асосига қурилган шартлар бўйича ўзаро беллашадилар. Дастур ойда бир марта, 30 дақиқа давом этади.

“Соғлом оила”. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак берувчи спортсевар оилалар мусобақаси республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиб, кенг тарғиб қилинади. Бу телевизион мусобақа Республика халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилади. Кўрсатув ойда бир маротаба, 30 дақиқа эфирга узатилади.

“Халқ ўйинлари”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги" қарори миллий-маънавий меросимизнинг асраб-авайланишида дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Кўрсатувда Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғисток Республикасига хос бўлган халқ ўйинлари ёритилади. Уларда инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан етук бўлиб вояга етишидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Дастур ҳафтада бир марта, 15 дақиқа намойиш этилади.

“Олимп сари йўл”. 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган ўттизинчи ёзги Олимпиада ўйинларига Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг қандай тайёргарлик кўришгани, терма жамоаларни шакллантириш йўлидаги изланишлар, Олимпиадагача ўзининг юқори спорт формасига чиқиши мумкин бўлган иқтидорли ёш спортчиларни топиш ва уларни терма жамоага жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар акс этади. Кўрсатув маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси билан

ҳамкорликда тайёрланади. Кўрсатув ойда икки марта, 15 дақиқадан намойиш этилади.

“Баркамол авлод”. Кўрсатувда Республикамиз Олимпия заҳиралари коллежларини фаолияти кенг ёритиб борилади. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга ҳукумат даражасида эътибор берилиши натижасида вилоятларда ўринбосарлар тайёрлаб берувчи ўқув масканлари фаолиятини янги босқичга кўтариш бўйича дадил ҳаракатлар бошланди. Кўрсатувда ёш спортчининг шаклланиш жараёни ва омиллари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ушбу кўрсатувда юртимиздаги Олий ўқув юртлари талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Президентимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида эртанги кун эгалари бўлган ёш авлодга кенг имкониятлар очилгани ўз ифодасини топади. Дастур ойда икки марта, 20 дақиқадан намойиш этилади.

“Қувноқ стартлар”. Умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшларни чиниқтириш, соғломлаштириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ўргатиш, улар ўртасида ҳаракатли ва миллий халқ ўйинларини ривожлантириш, уларни оммавий спорт ўйинларига кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Таълим ва Фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши "Меҳржон спорт" Республика хайрия жамоат фонди томонидан қабул қилинган қўшма қарорга асосан ўтказилади. Дастур ҳафтанинг якшанба кунлари 45 дақиқа намойиш этилади

“Футбол шарҳи”. Мамлакатимиз футболида содир бўлган энг муҳим янгиликлар, футболни ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар, футбол клублари фаолияти, терма жамоаларимизнинг халқаро турнирлардаги иштироки, шунингдек, республикамизда футболни янада оммалаштириш

борасидаги саъй-ҳаракатлар ёритилади. Ҳафтада бир марта, 20 дақиқа намойиш этилади.

"Спортимиз маликалари". Мамлакатимизда Хотин-қизлар орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бир неча спорт турлари бўйича ўзбек қизлари жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Кўрсатув мана шундай спортимиз маликалари, машҳур спортчи қизлар фаолиятига бағишланади. Уларнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари, ижодий ва интелектуал имкониятлари мулоқот жараёнида очиб берилади. Ойда икки марта, 20 дақиқададан намойиш этилади.

"ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА ДАМ ОЛИШ ДАСТУРЛАРИ"

бош муҳарририяти:

"Бодрое утро". Кўрсатув ҳар куни эрталаб эфирга берилган. Юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, болалар спортидаги муаммолар ва уларнинг ечимини таҳлил қилади. Студияга спортчилар, спорт мутасаддилари ҳамда мураббийлар таклиф этилиб, турли ёшдаги кишилар ва болалар учун мўлжалланган соғломлаштириш, бадантарбия, чиниқтириш машқлари бериб борилади. Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида лавҳалар бериб борилади. Дастур ҳар куни, 60 дақиқадан намойиш этилган.

"Спорт Экспресс". Бугунги кунда айнан "Бодрое утро"ни ўрнига эфирга узатила бошланган ушбу тонгги дам олиш дастури тобора ўзининг аудиториясига эга бўлиб бормоқда десак, муболаға бўлмайди. Яқиндагина бир йиллик фаолиятини нишонлаган кўрсатув, кўпчилик орасида машҳур бўлишга улгурди. Бошловчиларнинг маҳорати, айниқса мухбирларнинг тиниб тинчимаслиги кўрсатувга бўлган диққатни оширади. Айнан ушбу дастур ўзида ажойиб тактикани қўллайди. Ҳар бир ҳафтани маълум бир спорт турига бағишлаб, шу мавзуда лавҳа ва саҳифалар тайёрлайди. Ҳамда студияга айнан

шу спорт турининг вакилларини, мутахассисларини таклиф этиб мазмунли суҳбат олиб боришади. Фаол ижодий жамоа ҳар куни турли хил лавҳалар ва саҳифалар тайёрлайди. Кўрсатув давомида кўплаб рукнлар остида саҳифа ва лавҳалар эфирга узатилади. Дастур душанбадан жумага қадар, 60 дақиқа намойиш этилади.

“КИНОДАСТУРЛАР ВА ТЕЗКОР ДУБЛЯЖ” хизмати бўлими:

Бадиий фильмлар ва сериаллар. Ушбу йўналишда қуйидаги туркумларга мансуб фильмларнинг намойиш этилишига жиддий эътибор қаратилади: “Ҳажвий”, “Тарихий”, “Оилавий”, “Мелодрама”, “Классик”, “Спорт”. Бунда кино фильмларнинг телеэкранда илк бор намойиш этилиши, рус тилида янги ўзбек фильмларини томошабинларга намойиш этиш ҳамда томошабин талаб-истакларини инобатга олган ҳолда янги бадиий фильмлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Дубляж. Ушбу йўналишда сунъий йўлдош орқали ёзиб олинган ҳамда бошқа манбалар воситасида олиб келинган, бадиий савияси МТРКнинг киносиёсати талабига жавоб берадиган турли жанрдаги ва мавзудаги бадиий, мультипликацион, ҳужжатли ва кўп қисмли фильмлар рус ва ўзбек тилларига дубляж қилинади. Бунда соғлом турмуш тарзи ва спорт тематикаси акс эттирилган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмларни биринчи навбатда дубляж қилиш устувор йўналиш қилиб белгиланади.

Коинотдан видео материаллар йиғиш. Коинот ёрдамида ёзиб олинадиган кўрсатув ва бадиий фильмлар, сериаллар ва шоу дастурлар ўзбек томошабини маънавий ва маданий дидига мос келадиган тарзда танлаб олиниб, қайта монтаж қилинади ҳамда эфирга берилади.

“ТРАНСЛЯЦИЯ ВА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ОРҚАЛИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИГАН ДАСТУРЛАР” студияси:

Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари. 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштироки ҳамда гуруҳдаги рақибларимизнинг ўзаро

учрашувлари, шунингдек, жаҳонда кучли саналган миллий терма жамоаларнинг саралаш ўйинларидан тўғридан-тўғри ва ёзувда репортажлар берилади. Йил давомида, белгиланган кунларда намойиш этилади.

Футбол. Осиё кубоги-2015 саралаш учрашувлари. 2015 йили Астралияда ўтказиладиган Осиё чемпионатига саралаш баҳслари доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирок этадиган ўйинлар тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Шунингдек, бошқа гуруҳларда кечадиган ва қитъамизнинг етакчи жамоалари иштирок этадиган ўйинлардан ҳам репортажлар берилади. Йил давомида, белгиланган кунларда намойиш этилади

Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. (Про-лига). 2014 йилги мавсумда футбол бўйича Осиё чемпионлари лигаси (ёки Про-лига) баҳсларида Ўзбекистон шарафини Тошкентнинг "Бунёдкор", "Пахтакор" ҳамда “Локаматив”, Қаршининг "Насаф" жамоалари ҳимоя қилишди. Ушбу нуфузли мусобақада клубларимизнинг уй ва сафар учрашувлари, шунингдек, Осиё чемпионлари лигасининг ярим финал ва финал учрашувларидан тўғридан-тўғри ҳамда ёзувда репортажлар олиб кўрсатилади. Февраль - ноябрь. Сешанба ва жума кунлари, ойда 2-6 марта намойиш этилади.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақалари. Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон 22-миллий чемпионати ҳамда кубоги мусобақаларининг марказий учрашувларидан тўғридан-тўғри ва ёзувда репортажлар бериб борилади. Мамлакатимизнинг энг етакчи клублари иштирокида ўтадиган вилоятлардаги учрашувлардан репортажлар намойиш қилинади. Март-Ноябр. Ҳар ҳафтада 4-10 марта намойиш этилади

Футбол. Европа чемпионлари лигаси, УЕФА кубоги. Футбол бўйича дунё миқёсида энг нуфузли турнирлар саналувчи Европа чемпионлари лигаси ва УЕФА кубогининг энг марказий учрашувларидан тўғридан-тўғри ҳамда ёзувда репортажлар эфирга узатилади. Февраль - июнь. Чоршанба ва жума кунлари намойиш этилади.

“Евро тайм”. Футбол бўйича Европанинг энг кучли миллий чемпионатлари, хусусан Англия премьер лигаси, Испания “Ла лигаси”, Италия "А" серияси, Германия бундеслигаси, Франция 1-дивизиони учрашувларидан таҳлилий репортажлар берилади. Шунингдек, мазкур мамлакатларнинг кубок ўйинлари ҳам ёритилиб борилади. Дастур ҳар ҳафтада 4-6 мартагача намойиш этилади

Теннис. “Тошкент оупен” халқаро турнири. Профессионал аёллар теннис ассоциацияси тақвимидан ўрин олган "Тошкент оупен", шунингдек, мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтадиган "Фьючерс", "Челленжер" каби турнирлардан репортажлар берилади. Бундан ташқари йилнинг энг йирик тўрт турнири - Австралия очиқ чемпионати, "Ролак Гаррос", "Уимблдон" турнирлари ва АҚШ очиқ чемпионатидан репортажлар олиб кўрсатилади. Йил давомида, ойда 8-20 мартагача намойиш этилади.

ПРОФРИНГ. Профессионал бокс оламида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар тафсилоти, энг қизиқарли учрашувлардан репортажлар.

Оилавий мусобақалар туман, вилоят республика миқёсида турли фестиваллар тариқасида "Маҳалла" ва Болалар спортини ривожлантириш жамгармалари ҳамкорлигида ташкил этилади.

Шунингдек, йил давомида жамоавий ўйин ва яккакураш турлари бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионати ва кубоги баҳслари, нуфузли халқаро мусобақалар, Гран-при турнирларидан ҳам махсус кўрсатув ва репортажлар бериб борилади. Улар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тузиб чиқилган йиллик режа асосида ёритиб борилади.

### 2.3. Спортга доир кўрсатувларни тайёрлашда ахборот, таҳлилий ва публицистик жанрлар имкониятларидан фойдаланиш ва муаллифлар маҳорати масалалари

“Спорт” телеканали орқали намойиш этилаётган дастурларнинг жанрлар хилма-хиллигини кўриш мумкин. Аудитория эҳтиёжига мос равишда олиб борилаётган, таёрланаётган кўрсатув ва дастурларни жанр жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Ахборот жанрлари
2. Таҳлилий жанрлар
3. Бадиий-публицистик жанрлар

Шу ўринда Спорт журналистлари фаолиятига ҳам бироз тўхталиб ўтсак. “Ўзбекистондаги мавжуд спорт шарҳловчилари борасида олиб қарайдиган бўлсак бу нарса янада аниқроқ намоён бўлади. Футболда Ахбор Имомхўжаев, Давлат Турдиалиев кабилар, боксда Даврон Файзиев, яккакурашларнинг бошқа турларида Сиёвуш Ҳошимов, курашда Мусурмон Элмуродов, теннисда Ғанишер Рахматуллаев, гимнастикада Татьяна Полонская, воллейболда Рихситилла Умаровлар катта тажрибага эгалар. Кадрларнинг тақчиллиги сабаб юқоридаги шарҳловчилар бошқа спорт турлари учун ҳам масъул бўлишлари мумкин. Лекин бу нарса ютуқдан кўра камчиликка яқинроқдир. Ихтисослашган спорт журналисти универсалига қараганда тажрибалироқ бўлиши мумкин. Спорт оламида ҳар дақиқа минглаб янгиликлар дунё юзини кўришини инобатга олсак, универсал спорт журналисти табиийки, уларнинг барчасини кузатиб бора олмайди.

“Спорт” телеканали дастурларини кузата туриб, узатилаётган халқаро спорт мусобақалари шарҳи, спортга доир кўрсатувлар орасида Ғанишер Раҳматуллаевнинг *“Брейн ринг”* кўрсатуви алоҳида ўрин тутаётганини айтиб ўтиш жоиз. Унда турли ёш ва касбдаги иштирокчилар жамоа бўлиб ўйинда қатнашадилар.

Болаларга бағишланган интеллектуал чиқишлар “Спорт” каналида ҳам мавжуд. “Орзулар кемаси” интеллектуал телеўйининг мақсади кўпроқ билимни оширишга, географияни ўрганишга қаратилгани билан қизиқарли. Кўрсатувда фақат битта шартида спортга оид саволлар берилади.

“Ринг қироллари” дастури “Ёшлар” телеканалида эфирга чиқадиган, мухлисларнинг энг яхши кўрадиган дастурларидан ҳисобланарди. Ҳар якшанба куни ушбу кўрсатув мухлислар эътиборига ҳавола этиларди. Жаҳон рингларида бўлиб ўтаётган ва бўлиб ўтган бокс мусобақалари шарҳловчи Даврон Файзиев талқинида экранга чиқарди. Айтиш жоизки, кўрсатувнинг мавқеи жуда юқори. Икки йирик боксчи Николай Валуев ва Руслан Чагаевлар ўртасида бўлиб ўтган жанг “Ринг қироллари” дастурида шарҳланганди. “Спорт” телеканалида эса “Проф РИНГ” дастурида, номидан ҳам кўриниб турибдики, профессионал рингларда бўлиб ўтадиган энг муҳим бокс мусобақалари ҳақида сўз юритиларди. Мусобақаларни Элдор Мустафоев шарҳлаб борарди. Айни пайтда эса Даврон Файзиев, кейинчалик Сиёвуш шарҳлай бошлади. Сифат масаласида айрим муаммолар бўлиб, жумладан шарҳда терминлар етишмаслиги панд беради. Бу эса сўз такрорига сабаб бўлади.

Қисқа дақиқани қамраб олган дастурлар кейинги йилларда барча телеканаллардан муҳим ўрин эгалламоқда. Жумладан, каналда мунтазам равишда телевизион роликлар бериб борилади. Мисол учун, “Соғлом бола – соғлом келажак” ролигида қуйидаги фактлар келтирилган[20]:

Бугун телевидениеда футбол шарҳловчиларидан ташқари бошқа соҳаларни шарҳлайдиган иқтидорли мутахассислар бор. Рихситилла Умаров, бир вақтлар волейбол спорт тури билан шуғулланганидан ташқари, спортнинг барча турларини яхши тушунади. Керак бўлса, статистик маълумотлар борасида унга тенг келадигани йўқ.

Теннисни шарҳлашда Ғанишер Раҳматуллаев ўз ҳаракатлари билан телевидение мухлисларига таниш бўлиб қолган. Олиб борилган ижтимоий

[20] “Спорт” телеканали, 14.06.2014

тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, шарҳловчилар орасида Ғ.Раҳматуллаев ҳақида кўпчилик етарли маълумотга эга ва машҳурлиги юқори.

Спорт каналлари учун хос бўлган уч йўналиш – спорт шарҳлари, спортчилар ҳаёти, спорт билан алоқадор ҳодисотлар деб қаралса, аудитория ҳам ўз қизиқишлари бўйича уларнинг биттасини танлайди. Булар орасида спортчилар ҳаёти ёш авлод учун ибрат ва соғлом турмуш тарзининг тимсоли сифатида гавдаланади. Бугунги кунда жаҳон ареналарида, спорт майдонларида ўз номи ва довруғига эга бўлган миллий спортимизнинг кўзга кўринган юлдузлари бор. Миржалол Қосимов, Артур Григорян, Муҳаммақодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари ном қозонган спортчиларимиз тўғрисида “Ўзбекистон ифтихорлари” кўрсатуви ҳам эфирга узатиляпти. Бундай дастурларнинг ёш авлод тарбиясида алоҳида ўрни бор.

Дилноз Муртазоеванинг ҳарбийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Шижоат” кўрсатуви ёшларни Ватанпарварликка, ҳаётни ва юртни севишга ундайди.

Шунингдек, “Мухлисингман спорт!” кўрсатуви ҳам ўз муҳлисларини топиб улгургандир. Дастурни Наргиза Муҳамедова олиб боради. Унда турли касб эгаларининг спортга бўлган қизиқишлари тарозига солинади. Кўрсатувнинг 2014 йил 21 апрель сонида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан суҳбат ташкил этилди.

“Мухлисингман спорт!” кўрсатувининг шоир ва таржимон, “Олтин мерос” хайрия жамғармаси раҳбари Амирқул Карим, Хуршид Дўстмуҳаммад билан уюштирган суҳбатларида мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор, бунга мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани, футболдаги ютуқлар ва уч босқичли тизимдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари тўғрисида гапирилди[21].

“Ток-шоулар одатдаги суҳбат асосида пайдо бўлди ҳамда таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мустақил жанрга айланди”[22] – деб ёзади россиялик олим В.Л.Цвик. Ток-

---

[21] “Спорт” телеканали, 2014 йил сонлари.
[22] Цвик В.Л. Телевизионная журналистика:история, теория, практика, М.: “Аспект-Пресс”, М.: 2006. С.120-121.

шоуларда ҳар иккала жанр хусусиятлари мавжуд бўлса-да, мазмун ва кўзланган мақсад нуқтаи назаридан улар таҳлилий жанрлар сирасига киритилган. Худди шу йўналишда “Спорт” телеканалида “Дув-дув гап”, “Стать ближе”, “Келин-куёв”, “Ташриф”, “Айтишув”, “Спорт ва санъат” каби ток-шоулар пайдо бўлди. Улардан айримларигина эфирга узатилмоқда. “Стать ближе”, “Ташриф” моҳиятан бир хил кўрсатувлар ҳисобланади.

Миллий курашни тарғиб қилишда, кенг ёйишда канал ижодкорлари самрали меҳнат қилишмоқда. Махсус кўрсатувлар, телевизион роликлар, курашчилар ҳаётидан адабий портретлар тайёрланди. Каналда фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорлар Сайёра Ҳалимова, Гулжаҳон Мардонова бу борада ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда. “Халқ ўйинлари”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Қўша қаринг” каби кўрсатувларни мисол сифатида кўрсатиш жоиз. Аммо, кўрсатувлар режиссураси талабга тўлиқ жавоб бермайди. Айрим муаллифлар маълум спортнинг ўзлари таҳлил қилаётган турини яхши билишмайди. Умумий фикрларга таянилади.

“Ҳар қандай бола руҳиятини турли хил бузғунчи ғоялар билан суғорилган, бағритош, шавқат нима эканлигини билмайдиган, ташвиқот иши фақат зўравонлик ҳамда маънавий-ахлоқий худбинликни намойиш этишга қаратилган “тарбия”дан сақлаш лозим. Бунинг учун узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида, айтайлик мактабгача тарбия муассасаларида “Ҳозиржавоблар”, “Топқирлар”, “Полвонжонлар”, “Эпчиллар” ўйинларини боланинг индивидуал хусусиятига мослаб ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади”[23].

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимида болани “Қувноқ стартлар”, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” спорт мусобақаларига

[23] АбдураззоқовҲ., Дўсмуҳамедова М., Холмуродова Ж., Соғлом бола тарбиясининг руҳий-жисмоний омиллари/ “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ҳамда қаровсизлигининг олдини олишда оила, узлуксиз таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқ- тартибот органларининг ўзаро ҳамкорлиги” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари, Гулистон, 2014.Б.39.

тайёрлаш, бунинг учун ёшларни руҳан-маънан соғлом ҳолда барча қизиқишларини қобилиятларига мос равишда ўстириш, бола имкониятларини рўёбга чиқаришнинг педагогик-психологик омили бўла олади. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий қиёфасини тўғри шакллантириш миллий ва умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, она Ватанга содиқ, ботир, мард ўғлонлар тарбияси бевосита яқин ўтмишдан келаётган “Чаққон ва эпчил”, “Жасур”, “Қилич кесмас”, “Ўтда ёнмас”, “Ботир” каби мантиқли ва кенг маъно касб этувчи ўйинлар билан таърифланган. Бундай миллий спорт ўйинлари бугунги кунда ҳам қайта тикланиб, курашнинг турли кўринишларида, “Кўпкари”, “Отчопар”, “Чавондоз”, “Мерган”, “Паҳлавон” кабиларда ўз ифодасини топмоқда. Биргина “Мерган” маъносининг (ёй, камон, ўқ отиш, мўлжалга уриш) таҳлили кенг қамровдаги спорт турларини ўз ичига қамраб олади. Шунингдек, ҳаракатли ўйинлардан оқ теракми, кўк терак, читтигул , сакраб ўтиш, бекинмачоқ, арқон тортиш, чиллак ва санаб тепиш каби ўйинлар тобора оммалашиб бормоқда. Бунда таниқли журналист Гулжаҳон Мардонованинг “Халқ ўйинлари” кўрсатуви муҳим ўрин тутади.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган “Қувноқ стартлар” мусобақаси “Спорт” телеканалида Раҳматжон Содиқов, Нодиржон Содиқовлар томонидан тайёрлаб келинган. Мазкур телемусобақа тарихи иттифоқ даврига бориб тақалса-да, мусобақанинг қизиқарлилиги, оммабоплиги, мамлакатнинг барча бурчакларини қамраб олишини инобатга олсак, у ҳозирги кунда республикамизда жуда машҳур ҳисобланади.

Спорт журналистларининг фаолиятида адабий тил меъёрларига риоя этиш ҳозирги спорт журналистикасининг долзарб масаларидан бири бўлмоқда. Бундан йигирма уч йил муқаддам Мирзо Кенжабекнинг “Тил эрки – дил эрки” мақоласида шундай фикрлар келтирилган экан[24]. “Футбол шарҳловчимиз Ахбор Имомхўжаев баъзан русча шарҳни ўзича ўзлаштириб, “тўп йўқотилди”, “тўп билан фалончиев”, “тўп Фалончиев томонидан дарвозага

[24] Фитна санъати. 2-китоб, “Фан” нашриёти, Тошкент, 1993. Ziyonet.

киритилди” каби кўриниши ўзбекча, лекин тузилиши русча бўлган гап ва ибораларни қўллайди. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Ахбор Имомхўжаев яхши шарҳловчи сифатида, футбол ихлосмандлари орасида ҳурмат қозонган. У кишининг юртимиз спортини жуда яхши билиши , унинг истиқболи учун куюниши, қайғуриши кўпчиликка маълум. Шунга қарамай, у бирор бир ўйинни шарҳлаганда ўйинчилардан кам ҳаяжонланмайди. Бу эса ўз навбатида унинг шарҳига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис унинг шарҳларида учраган айрим нуқсонларни юқоридаги мақолада танқид қилинган.

Журналист Мирзо Кенжабекнинг юқоридаги мақоласида келтирган далиллар асосли, у билан баҳслашмоқчи эмасмиз. Аммо ўша мақола ёзилганидан кейинги ўтган 20 йилдан кейин аҳвол ўзгардими? Шарҳловчилар ёки спорт мавзусида ёзадиган журналистлар адабий тил меъёрларига амал қиладиларми? Бу саволга умумий “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериб бўлмайди. Чунки спорт мавзусини турли хил оммавий ахборот воситаларида ёритадиган журналистларнинг ифода усуллари ҳам турлича. Ва бу табиий. Масалан, бошқа ОАВга нисбатан матбуотдаги спорт мавзусини ёритишда журналистлар адабий тил маъёрларига амал қилишга уринадилар. Гарчанд улар кўпроқ расмий тилда берилади, дейилса ҳам, ҳар ҳолда журналистлар ёки таҳририятлар масъулиятни ҳис этадилар. Аммо бундай фикрни телевидениеда фаолият олиб борадиган спорт журналистларига нисбатан айтиш мушкул. Чунки улар спорт мавзусидаги кўрсатувларда йўл қўядиган камчиликлари олдида юқорида М.Кенжабек томонидан Ахбор Имомхўжаевнинг танқид қилиниши “ҳолва” бўлиб кўринади. Масалан, футбол ўйинларини шарҳловчи Дилшод Тўхтабеков “Фалончи голни амалга оширди”, “Тўп дарвозага йўналтирилди” қабилидаги жумлалари футбол ишқибозларини ғашига тегиши кўп бор эътироф этилган.

Тошкент шаҳрида фаолият олиб борадиган ОАВ ва журналистлар нисбатан қизиқарли ва сифатли журналистик материаллар тайёрлашга ҳаракат қилинса, вилоятларда адабий тил меъёрларини қўллашда гоҳида спорт жаргонлари ёки маҳаллий лаҳжаларни қўллаш ҳолатлари кузатилади. Бунинг

учун бўлғуси журналистлар махсус фанлар бўйича, айниқса дикция ва овоз темблари билан ишлашни ўргатувчи фанларга ҳам вақт ажратишса мақсадга мувофиқ.

“Журналистиканинг қайси тури, шакли бўлмасин, унинг техник имкониятлари нечоғли ўзига хос бўлмасин, журналистнинг бирламчи воситаси, қуроли – тил, сўз, матн! Журналист гапирадими, кўрсатадими, ёзадими – ҳар қандай ҳолатда ҳам у ёзади. Журналистика – ёзиш санъати, ёзиш истеъдоди, ёзиш маҳорати орқали намоён бўладиган ўзига хос касбдир!”[25]. Нотиқлик санъати, сўз айтиш малакаси ва “сўз сандиқчаси” бой бўлмаса пала-партишликлар юзага келади.

Бугунги спорт  журналистикаси тили қай даражада? Умуман спорт журналистикаси тилининг меъёри бузилмаяптими? Саволларнинг бундай қўйилиши бежиз эмас албатта, чунки бугунги кунда мамлакатда спортнинг ривожланишига катта эътибор қаратилаётган бир шароитда унинг ифодасига жиддий эътибор бериш бу соҳада ишлайдиган журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо афсуски, спорт мавзусида ёзилаётган мақолалар, эфирга тайёрланаётган  кўрсатув, лавҳа ёки эшиттиришларда билиб-билмай, бот-бот хатога йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламиз.

2004 йилда “Маърифат” газетасининг “Меҳмонхона” рукни остида Ахбор Имомхўжаев билан қилинган суҳбатда у киши ҳам бу ҳақда куюниб бир мисолни келтирганди. Телевизорда спорт хабарини бераётган бир журналист сузиш мусобақаси ҳақида сўзлаётган чоғда русчаси “плавание на спине” бўлган жумлани “орқачалаб сузиш” дея айтганини (аслида “чалқанчасига сузиш” тарзида айтилиши керак) афсус билан таъкидлаганди. “Футбол экспресс” газетаси ижодкорлари яқин-яқин йилларгача ***-ни*** ва ***-нинг*** келишик қўшимчалари фарқига деярли бормасди. Ҳозир анча камайиб қолган (деярли учрамаяпти, деса ҳам бўлади).

[25] Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТУ. – Б.92.

Қолаверса, инсон шахси тилга олинганда унга нисбатан ***-та*** қўшимчасини қўллаш ҳам тўғри эмас. Бу ҳолат нафақат ТВ-радио, балки матбуот журналистлари ижод маҳсулларида ҳам кўп учрайди. Яъни “иккита (аслида икки нафар дейилиши керак) футболчи майдонни тарк этди”, “иккита (аслида икки жамоа мураббийи иштирокида тарзида қўлланиши лозим) мураббий иштирокида матбуот анжумани ўтказилди”, деган ноқис жумлаларни кўп эшитамиз.

“Спорт” канали шарҳловчилари томонидан тайёрлаётган кўрсатувларда кузатганимизда кўп хатолар учрайди. Мисол учун шарҳловчи Зафар Имомхўжаев қуйидаги хато жумлани кўп ишлатади: “ҳар иккала жамоа бош мураббийлари” деган. Маълумки, тилшуносликда айрим сўзлар кўплик ***-лар*** қўшимчасини олмайди. Масалан, ёмғир (бир қўшиқда ёмғирлар ёққанда деб хато айтилади). Шунингдек, ***“ҳар”*** сўзи ишлатилганда ҳам ***-лар*** қўшимчасига ҳожат қолмайди. Яъни “ҳар икки жамоа бош мураббийи” тарзида қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзи тилшунос бўлгани учун Мирзаҳаким Тўхтамирзаевда бундай хатолар учрамайди. Аммо тилни мураккаблаштириш ҳолатлари кузатилади. Яъни беш-олти сўздан иборат бўлган содда гапни мураккаб, қўшма гап ҳолда қўллаш ушбу шарҳловчи услубида кўп учрайди. Оддий жумлаларга ҳам бадиий бўёқ беришни ошириб юборади. Шарҳловчилар ичида Давлат Турдиалиевнинг шарҳларида бундай ноқис жумлаларга кам дуч келинар эди. Тўғри, ТВ ёки радиода бевосита эфирга бериладиган кўрсатув ва эшиттиришларда йўл қўйиладиган баъзи хатолар, камчиликлар табиий равишда содир бўлиши мумкин. Журналист, шарҳловчи бевосита эфир жараёнида ўқийдиган жумлалари матнини аввалдан тўғрилалаб, пухта тайёргарлик кўради. Бироқ ўзбек тили грамматикасини пухта ўзлаштирмай туриб, айтилган ҳар бир сўз, ёзилган мақола, эфирга берилган материал аудиториянинг фойдасига хизмат қилиши керак, зарарига эмас. Шу нуқтаи назардан спорт соҳасига ихтисослашиш жуда муҳим. чунки энг кўп мурожаат этиладиган мавзу бу спорт

мавзусидир. Шунинг учун спорт журналистикаси йўналишини тўғри белгилаш, тараққиёт тамойилларини кўрсатиб бериш жуда муҳим.

“Хабарлар” информацион дастури мухбири Фаррух Муҳаммадиев мини-футбол ҳақидаги лавҳасида “учрашувда дуранг натижа қайд этилгач, жамоалар 11 метрли жарима тўпи орқали ғолиб номини аниқлаб олдилар”, деганди. Ўшанда у пенальтини назарда тутиб айтган эди. Ваҳоланки, мини-футболда пенальти 11 метрдан тепилмаслигини кўпчилик яхши билади. дастур муҳаррирлари мухбир тақдим этаётган ҳар қандай материални ёзиб олишдан олдин кўздан кечиришлари, тўғридан-тўғри эфир бўладиган бўлса, мухбирнинг нима демоқчи эканини билишлари шарт деб ўйлайман.

Яна бир мисол. Яқин вақтларгача “Хабарлар” информацион дастурида шахмат ҳақидаги ахборотлар берилса, “ақл-идрок соҳиблари” дея айтиларди. Бу жумлани эшитган кишида фақат шахматчиларда ақл ва идрок бор экан-да, деган ўй ўтарди. Бундай камчиликларни бошқа ижодкорлар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Дастурнинг ўзбек тилидаги баъзи сонлари профессионал журналистика қоидалари ва журналистик одоб меъёрларига зид бўлиб, ҳатто телетомошабин ва спорт мухлисларининг ғашига тегади. Бу ҳол дастурни фақат Даврон Қобулов олиб борганда кўзга ташланарди. Ушбу телебошловчининг турли хил ўхшатишлари, киноя ва пичинг иборалари журналистикадаги хабарлар (яъни янгиликлар) жанрининг мезонларини қўпол бузиб, профессионал одоб меъёрларини оёқости бўлишига сабаб бўлди. Бу ҳол журналистикада одобсизлик саналади. Чунки журналист шарҳдан ташқари ҳеч бир жанрда, хоҳ янгиликлар бўлсин, хоҳ мақола бўлсин, хоҳ таҳлилий материал бўлсин, ўша материалда ёритилаётган факт ва муаммо хусусида ўзининг ноўрин ва асоссиз фикрини ва ҳиссиётларини билдириши мумкин эмас.

Журналист ўз фикрини фақат шарҳ жанрида билдириши мумкин. Мисол учун, футбол ёки бошқа спорт туридаги ўйинларни шарҳлаганда. Лекин шарҳда ҳам шарҳловчи ўз фикрларини осмондан олиб ёки ўз ҳиссиётларидан эмас,

балки мутахассис нуқтаи назаридан келиб чиқиб, босиқлик билан билдириши керак. Масалан, футбол ўйинини шарҳлайдиган киши футбол ва шарҳланаётган ўйин хусусида мутахассис даражасида билиши керак ва ўйинга, ундаги вазиятларга фақат шу жиҳатдан баҳо бериши керак.

Шарҳ жанри шарҳловчига ўз фикрини билдириш ҳуқуқини берса ҳам, шарҳловчилар юқоридаги каби пичинг ва киноя ибораларни ишлатишмайди. Чунки, бундай гаплар профессионал журналист ёки мутахассисга эмас, балки телевизор қаршисида ёки стадионда футбол томоша қилаётган оддий томошабин ёки мухлисга хос гаплардир. Хабар жанрида эса журналист ҳатто мутахассис сифатида ҳам ўз фикрини билдириши мумкин эмас. Бундан ташқари, хабар матни киноя ва пичинглардан ҳоли бўлган нейтрал, "қуруқ" тилда ёзилиши керак. Чунки жанрнинг асосий мақсади журналистнинг "ажойиб" фикрлари-ю пичингларини эмас, балки янги фактларни, улар атрофидаги тафсилотларни тақдим қилишдир.

Даврон Қобулов баъзида ғалабалардан мағрурланиб, журналистика ва спорт этикасига зид равишда гапириб юборарди. Масалан, Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари босқичида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоаларининг Тошкентдаги ўйинидан сўнг берилган "Хабарлар"да мезбонларнинг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабасидан сармаст Даврон Қобулов: "Сингапурнинг кучи Ўзбекистонга етмас-ов!" – деб, катта кетганди"[26].

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, кейинги йилларда "Спорт" канали дизайни, режиссураси тубдан ўзгарди. Канал имиджида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Режиссёр, тасвирчи, овоз режиссёри, шарҳловчи, кранчи мутахассислар фаолияти ҳам ТВ асарининг мукаммал чиқишида алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро мавзуда қайсидир бир каналдан олиб кўрсатилаётган ўйинни шарҳлаш, хабар етказиш журналистга катта масъулият

[26] Абдулла Б. Хабарми, кинояю пичингми ёхуд "Спорт" телеканалининг "Хабарлар" дастури ҳақида журналистик мулоҳазалар, 27 May 2008 11:47, www.gzt.uz

юклайди. Кўрсатув ҳар бир оилага кириб борар экан, ижодий гуруҳ ҳамкорлиги муҳим ўрин эгаллайди.

## 2-боб бўйича хулосалар

Малакавий битирув ишимизнинг “Спорт” телеканалидаги кўрсатувларда жанрлар хилма-хиллиги ва мавзуни ёритишда муаллифлар маҳорати” деб номланган бобида “Спорт” телеканалидаги дастурлар мавзуси, мазмуни ва таркиби, “Спорт” телеканалининг муҳарриятлари, шунингдек, спортга доир кўрсатувларни тайёрлашда  ахборот, таҳлилий ва публицистик жанрлар имкониятларидан фойдаланиш ва муаллифлар маҳорати масалалари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатда спорт ривожланиб боргани сари, уни ёритадиган ОАВ ҳам спортдан ортда қолмаслиги керак. Жоиз бўлса, спорт журналистлари ўша спортчиларни руҳлантириши, керак бўлса, эргаштира олиши керак. Бунинг учун спортни яхши тушунадиган, уни таҳлил қила оладиган журналистлар зарур. Бунда эса,  ихтисослашиш, замонавий янгиликлардан хабардор бўлиш маъқул.

Спорт мавзусини ёритишда журналистга қизиқишдан ташқари, биринча навбатта чуқур билим, тинимсиз ўрганиш ва изланиш талаб этади.

“Спорт” телеканали мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга берилаётган эътиборнинг, спортнинг турли соҳаларида ҳақиқий юлдузлар етишиб чиқиши учун жонбозлик кўрсатаётган фидойи инсонлар фаолиятини ойнаи жаҳонда муносиб акс эттирилиши учун замин бўла олади. Ушбу канал, аввало, спорт мухлисларини талаб ва истакларини тўларoқ қондиришга хизмат қилмоқда. Канал спорт мусобақалари ҳақида тезкорлик билан тўлақонли ва таъсирчан ҳикоя қилиш имконини яратади.

“Спорт” телеканали ходимлари айнан ёшлар қалбига йўл топиш, уларга соғлом турмуш тарзи афзалликлари хусусида етарлича маълумот бериш, берилаётган ҳар бир маълумотни ўзига хос тарзда мухлисларга етказиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солишяпти. Журналистлар ва ижодий гуруҳ аъзоларининг тажрибаси ҳам ана шунда намоён бўляпти.

# ХУЛОСА

Мамлакатимиз аҳолисининг спортга бўлган қизиқиши, Президент ва ҳукуматимизнинг кенг миқёсдаги эътибори бу соҳада журналистлар олдига қатор вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу йўналишда шу ўтган давр мобайнида ўзгаришлар содир бўлди. Айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситаларида, хусусан телевидениеда мавзу доирасидаги чиқишлар кўпайди. Мавзуни ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларга келинди.

**Дастлаб ютуқлар ҳақида:**

*Биринчидан,* мамлакатимиз миқёсида болалар спортига, хусусан энг оммавий спорт тури – футболга бўлган эътибор кучайди. Ўсмирлар, ёшлар, аёллар футболи ривожланмоқда. Осиё чемпионати ва ўйинларида миллий жамоалар, терма жамоамиз эришаётган ютуқлар, Миллий чемпионатдаги ҳолатлар “Спорт” телеканали дастурларидан мунтазам жой эгалламоқда.

*Иккинчидан,* оммавий спорт турларини тарғиб қилишга қаратилган, болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган “Болалар спорти”, “Вилоят спорти”, “Спорт экспресс” каби кўрсатувлар мунтазам эфирга узатилмоқда. “Хабарлар” информацион дастури бунда етакчиликни қўлга олган. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари ҳақидаги маълумотлар, ўйинларга тайёргарликнинг бориши мунтазам ёритиб келинмоқда.

*Учинчидан,* журналистиканинг янги йўналишлари, замонавий ахборот технологиялари кенг қўлланилмоқда. Интерактив кўрсатувлар тайёрланиб, Ўзбекистонда ва дунёда энг оммавий бўлган футбол, теннис, бокс ва бошқа спорт турлари тўғридан-тўғри трансляция қилиниб, томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиняпти.

*Тўртинчидан,* ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом бўлишига қаратилган чиқишлар ҳам мавжуд. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Қувноқ стартлар”, маҳалла аҳли иштирокидаги “Куч бирликда”, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг “Полвонжон” сингари

телевизион мусобақалар ҳам соғлом турмуш тарзи тарғиботида муҳим ўрин тутади.

*Бешинчидан,* мамлакатимиз миқёсида футболга эътибор кучайди. Спортни ривожлантиришга қаратилган бир нечта қарорлар қабул қилинди. Шулар асосида мамлакатимиз миқёсида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Нафақат шарҳловчилар, режиссёрлар, операторлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига кенг аҳамият қаратиб келинмоқда. Шунга мос тарзда кўрсатувлар режиссураси ҳам сифат нуқтаи назардан юқори босқичга кўтарилмоқда.

Ишни ўргана туриб **бир қанча камчиликлар** борлигига амин бўлдик. Бу нималарда кўринади:

*Биринчидан,* оммавий ва болалар спорт турлари бўйича таҳлилий-танқидий чиқишлар эфирда деярли йўқ. Жойларда спортга берилаётган эътибор, оммавий спортни тарғиб қилиш, ўйин натижаларини тақдим қилиш, ўзбек спортчилари эришаётган ютуқларни бериш каби жиҳатларга эътибор қаратилаётган бир пайтда, ўзбек спортчиларининг айрим спорт турларидаги салбий натижаларининг сабаби, спорт иншоотларининг талабга жавоб бериш, бермаслиги тўғрисидаги кўрсатувлар йўқ.

*Иккинчидан,* “Спорт” телеканалининг айрим ижодий ходимлари, вилоятлардаги мухбирларининг билим даражаси пастлиги, соҳани яхши билмаслиги, шарҳланаётган спорт тури қонун-қоидалардан тўлиқ хабардор эмаслиги улар тайёрлаётган кўрсатувларда, чиқишларда яққол намоён бўлмоқда.

*Учинчидан,* спорт кўрсатувларини олиб боришда жаҳон стандартларини яхши билмаслик, ходимларнинг хориж тилларини яхши ўзлаштиролмаганлиги туфайли муаммолар юзага келяпти. Уларнинг айримларида жамоалар номи, таркиби, спортчилар исми-шарифини талаффуз қилишда ғализликлар кўзга ташланади.

Тўртинчидан, спортнинг оммавий футбол турига бағишланган махсус “Футбол шарҳи”, “Евро тайм”, “1-лига шарҳи”, “Осиё футболи” каби кўрсатувлари бор. Аммо, каналда спортнинг бошқа оммавий турлари ҳақидаги кўрсатувлари йўқлигини камчилик сифатида кўрсатиш жоиз. Бу бошқа спорт турларини ҳам оммалаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистонда *спорт журналистикасининг* тараққиёти доирасидаги айрим муаммоларни кўрсатган ҳолда, бу йўналишни янада ривожлантириш учун бир қанча **таклиф ва тавсияларимизни** бермоқчимиз.

*Биринчидан,* спорт журналистикаси, футбол журналистикаси ва шарҳловчилиги соҳасида бирорта ҳам ўқув қўлланма, дарслик ёки рисола чоп этилмаган. Спортга қизиққан талаба ўз устида ишлаши, малакасини ошириши, хато-камчиликларини тўғрилаши учун бирорта китоб бўлмаса, у ўз фаолиятини келгусида қандай ташкил этишини билмайди. Тез орада бу соҳада мутахассислар томонидан илмий асарлар юзага келишига ишонамиз.

*Иккинчидан,* биламизки Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди “Босма оммавий ахборот воситалари учун қўлланма”, медиабизнес, Ўзбекистонда ОАВ қонунчилиги бўйича бир қатор китобларни нашр қилдирди. Эндиликда фонд билан ҳамкорликда “Спорт журналистикаси”, “Спорт шарҳловчилиги”, “Футбол атамалари луғати” бўйича китоблар яратиш, “Спорт” телеканали қошида ЎзДЖТУ билан ҳамкорликда фонд кўмагида таниқли шарҳловчиларнинг “Маҳорат мактаблари”ни ташкил этиш жоиз.

*Учинчидан*, ҳар йили 27 июнь – Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари куни олдидан “Йилнинг энг фаол журналисти”, Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида “Олтин қалам” мукофоти, аёллар байрами арафасида “Атиргул”, мустақиллик байрами арафасида “Энг улуғ, энг азиз” каби танловлар якунлари ўтказилади. “Йилнинг энг яхши футболчиси”, “Энг яхши ҳакам” сингари танловлар ҳам бор. Спорт нашрлари ва журналистлари кўпаймоқда. Шу боис “Йилнинг энг яхши спорт журналисти”, “Энг яхши спорт

шарҳи”, “Энг фаол спорт журналисти”, “Талаба-журналистнинг спорт мавзусидаги энг яхши чиқиши” деб номланган умумий ном остида танловлар ташкил этилиши ва футбол журналистлари рағбатлантирилиши лозим.

*Тўртинчидан,* жаҳонда, жумладан Россияда спорт журналистикаси, футбол журналистикаси йўналишларида мутахассис тайёрлашга анча олдин эътибор берилган эди. Бизда “Спорт журналистикаси” бўйича ҳам кадрлар тайёрлашга киришилди. Самарадорликка тўла эришилгани йўқ. Самарага эришиш учун эса, хориж тажрибасини ўрганиш зарур.

*Бешинчидан,* хориж тилларини биладиган, соҳага қизиққан ёшларни жалб этиб, “Спорт” канали танлов ташкил этиб, уларнинг энг иқтидорлиларини каналга шартнома асосида ишга қабул қилиши керак. Спорт журналистикаси соҳасида ихисослашишни кенг йўлга қўйиш лозим. Спортнинг оммавийлигини оширишда телевидениенинг тили, услуби, усуллари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, спорт турини шарҳловчи мутахассис ўша спорт турининг барча қирраларини ўрганиб, томошабинни ҳам унга қизиқтира олиши керак.

Таклиф ва тавсиялар чуқур ўйланиб, амалиётга тезда жорий этилиши жоиз. Ҳозирги шиддатли, рақобат авжига чиққан замонда узоқ ўйлаб ўтиришдан кўра, давр талабини инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилингани маъқул. Ўрганилган мавзу назарий ва амалий нуқтаи назардан барча қизиқувчиларга асқотади ва спорт журналистикаси тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Малакавий битирув ишимизнинг умумий ҳажми 2 боб ва 6 фаслдан иборат.

Тадқиқотнинг “Мустақиллик йилларида спортнинг юксалиши ва спорт журналистикасининг ривожланиши” деб номланган 1-бобида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар мазмуни, спорт журналистикасининг ривожланиши ҳамда тележурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Малакавий битирув ишининг “Спорт” телеканалидаги кўрсатувларда жанрлар хилма-хиллиги ва мавзуни ёритишда муаллифлар маҳорати” деб номланган 2-боби эса “Спорт” телеканалидаги дастурлар мавзуси, мазмуни ва таркиби, “Спорт” телеканалидаги бўлим ва муҳарририятлар фаолияти, шунингдек, спортга доир кўрсатувларни тайёрлашда ахборот, таҳлилий ва публицистик жанрлар имкониятларидан фойдаланиш ва муаллифлар маҳорати масалаларига бағишланган. Келтирилган икки боб ва фасллар бўйича юқоридаги хулосалардан ташқари яна қуйидаги **умумий хулосалар**ни ҳам келтириб ўтмоқчимиз:

Умуман олганда, “Спорт” телеканалининг дастурлар мавзуси ранг-баранг бўлиб, бу ўз навбатида спорт аудиториясининг кенглиги, шу мазмундаги ахборотга социал ахборий эҳтиёжнинг катталиги, бу борада дунё ахборот макони билан доимий мулоқотда бўлинаётганлиги, мазкур йўналишда хабарлар оқимининг тезкорлиги билан характерланади.

- “Спорт” соҳасидаги кадрлар салоҳиятида нуқсонлар кузатилади. Уларнинг тили ва услубида сўзлашув стилига яқин жумлаларни, тасвирга мос бўлмаган фикрларни кузатиш мумкин.
- “Хабарлар”нинг эфир ҳажми кам. Бу эса юртимиз ва дунёдаги барча спорт янгиликларини тўла қамраб олишга имкон бермаётир.
- Футбол шарҳи масаласида айрим нуқсонлар мавжудлигини “Спорт” телеканалидаги айрим футбол репортажларини кузатиш орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яъни футболчилар ҳаракатини нотўғри талқин қилиш, тасвирни нотўғри шарҳлаш, жумлаларни услубий хато қўллаш, эҳтиросга берилиш, нохолислик ва ҳоказоларни пайқаш қийин эмас.
- Ҳудудлардан, вилоят ва туманлардаги болалар спортини ёритиш нисбатан суст. Кўпинча маълум иншоотлар қурилиши, спорт масканлари ҳақида лавҳа тайёрланадию, бу ерларда уюштирилаётган мусобақалар кўрсатилмайди.

Таклиф ўрнида айтган бўлардикки, спорт ҳам анча сертармоқ соҳа. Шу боис болалар спорти ёритиладиган алоҳида бир канал ташкил этилса. Унда барча нуфузли мусобақалар, айниқса ҳудудлардаги спорт ўйинлари олиб кўрсатилса. Бу болалар спорти тарғиботини нисбатан тўлиқроқ қамраб олиш имкониятини беради. Шунингдек, болалар спортида эришилаётган ютуқлар акс этган фильмлар, ҳужжатли фильмлар, бадиий фильмлар ёки миллий сериалларни суратга олиб намойиш этиш керак. Бу ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширади.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2014

1.2.Журналист фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1997 йил, 24 апрел. Тўртинчи ҳокимият.

1.3.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон. 1998.

1.4.Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1997 йил, 24 апрел. Тўртинчи ҳокимият:

1.5.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон. 1998.

1.6Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарори.// Халқ сўзи. -1999.№16.

1.7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида// 2002 йил 24 октябрь, ПФ-3154-сон

1.8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида// 2002 йил 31 октябрь, 374-сон

1.9.27 июнь-Матбуот ва Тележурналистика ходимлари куни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1995 йил 27 июнь//Ўзбекистон матбуоти, -2008.-№3

1.10.Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ишонч Марказ Сервис, 2009.

1.11.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.

1.12.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.// 2010 йил 5 май, ПҚ-1332-сон

1.13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақил телерадиоканалларни ривожлантириш ва қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (08.11.2005й. №ПФ-3678).

1.14.Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: 2009.

1.15.Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 1992

1.16.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилган “2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (2011 йил)

1.17.“Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури ҳақида” ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2006 йил 7 августда қабул қилинган. Халқ сўзи. 2006. 8 август.

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ

2.1.Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент, «Ўзбекистон»,1998,

2.2.Каримов И.А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. Т.9. - Т.: ”Ўзбекистон”, 2001.

2.3.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

2.4.Каримов И. А. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. – Т.: “Маънавият”, 2009.

2.5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

2.6. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.// Халқ сўзи, 2014, 27 июнь.

## III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР


3.1.Болалалар спортини ривожлантиришга бағишланган Респблика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2003.

3.2.Егоров В.В. Телевидение: теория и практика. М.: 1993.

3.3.Жмарев Н.В. Системный подход и целевое управление в спорте. – Киев: Здорове, 1984.

3.4.Журналистлар учун қисқа юридик тўплам. Т., Фан, 2000

3.5.Засурский Я.Н. Система средств массовой информации. М.: 2001.

3.6.Ибрагимов Ш. Тележурналистика асослари /маърузалар матни/ - Т.: Университет. 2000.

3.7.Каримов М.Д. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.: Ўзбекистон,1997.

3.8.Корнилов Е.А. Журналистика на рубеже тысячалетий. Ростов н/д. 1999.

3.9.Кученцов Г.В. Телевизионная журналистика. 4-е издание. М.: Высшая школа. 2002.

3.10.Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналистика. М.: 2000.

3.11.Михайлович В.И. О сущности телевидения. М.: 1998.

3.12. Эрназаров Э.Т. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. –Т.: 2002, ЎзМУ

3.13.Усмонхаджаев Т., Мелиев А. Миллий ҳаракатли ўйинлар. – Т.: Ўқитувчи, 2000.

3.14.Цвик В.Л. Журналист с микрофоном. М. ДИДМНЭПУ. 2000.

3.15.Шерель А.А. Радио журналистика М.М. Университет. 2000.

3.16.Ярашев Қ.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2002.

3.17.Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ёшлари ва ўсмирларини ўзбек миллий курашига ўргатишнинг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2006.

3.18.Имомхўжаев А. Мафтунингман, футбол! - Т.: “Шарқ” НМАК, 2004.
3.19. Имомхўжаев А. Футбол – қувончим, дардим, фахрим. -Т.: “Шарқ” НМАК, 1996.
3.20.Имомхўжаев А. Ўзбегимнинг Миржалоли.- Т.: “Шарқ”НМАК, 2006.
3.21.Каримов А., ТВ, ижодкор ва замон.-Т.:“Наврўз”, 2004.
3.22.Кузнецов Г. В. Так работают журналисты ТВ. Уч. пособие. 2004.
3.23.Кузнецов Г. В., Цвик В. Л., Юровский А. Я. и др. Телевизионная журналистика. Учебник. 2002.
3.24.Нутқ маданияти ва услубияти асослари, Ўқув қўлланма.- Т.: 1992.
3.25.Фихтелиус Э.Журналистиканинг 10 қоидаси.- Т.: “Шарқ”, 2002.
3.26.Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика М.: “Аспект – Пресс”, 2002.
3.27.Эрназаров Қ. ва бошқ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.:ЎзМУ, 2002.

## IV. РЕСПУБЛИКА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ 2013-2014 ЙИЛЛАРДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИ

4.1.“Спорт” телеканали 2013-2014 йиллардаги дастурлари
4.2.“Садо” газетаси 2013-2014 йиллардаги тўпламлари
4.3.Абдумаликова Ш. Радио – мен учун катта мактаб, Азим Алимов билан суҳбат, “Садо”, 20.09.2007
4.4.Сатторов Ф. Билмаганимни сўрашдан уялмайман (Р.Умаров билан суҳбат), “Садо” газетаси, 2009 йил 9 апрель
4.5.Мирдадаев Р.Тасвир драматургияга хизмат қилиши керак, “Садо” газетаси, 2007 йил 12 апрель
4.6.Жумаев К., “Ассалом, футбол баҳори!”, “Садо” газетаси 2009 йил 12 февраль

## V. ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ:


5.1. www.press-service.uz

5.2. www.gov.uz

5.3. www.ziyonet.uz

5.4. www.uza.uz

5.5.www.mtrk.uz

5.6. www.gzt.uz

5.7. www.uz

5.8. www.lex.uz

5.9. www.hurriyat.uz

5.10.www.adolat.uz

5.11.www.uzasziyoli.uz

5.12.http://www.dsmi.uz

5.13.www.wikipedia.uz

5.14.www.reflar.uz

5.15.http://tashkinofest.com/uz/

5.16.www.nuu.uz

5.17.www.gov.uz

5.18.www.uff.uz

5.19.www.stadion.uz

5.20www.football.mossport.ru

5.20.www.adalinsky.narod.ru

5.21. www.marifat.uz

5.22.www.media-plyus.uz

***И Л О В А***

**1-илова. Мустақиллик йилларида оммавий ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар**

| № | Қонун, Фармон ва бошқа меъёрий ҳужжат номи | Қабул қилинган сана |
|---|---|---|
| 1 | *«Жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун»* | *1992 й., 14 январь* |
| 2 | *«Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ҳақида»* | *1996 й., 16-март* |
| 3 | *«Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш ҳақида»* | *1999 й., феврал* |
| 4 | *«Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари», «Соғлом авлод» давлат дастури* | *2000 й., 15-феврал* |
| 5 | *«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири* | *2000 й., 26-май* |
| 6 | *«Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш»* | *2002 й., 24-октябр* |
| 7 | *"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"* | *2002 йил 24 октябр* |
| 8 | *"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"* | *2004 йил 29 август* |
| 9 | *"2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ* | *2007 йил 12 декабр* |

| | | |
|---|---|---|
| | *манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"* | |
| **10** | ***"Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида"*** | ***2010 йил 15 март*** |
| **11** | ***"Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"*** | ***2010 йил 1 апрел*** |
| **12** | ***"Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"*** | ***2010 йил 5 май*** |
| **13** | ***"2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"*** | ***2011 йил 19 январ*** |
| **14** | ***Миллий Олимпия Қўмитаси*** | ***1992 й., январ*** |
| **15** | ***«Соғлом авлод фонди»*** | ***1993 й*** |

**2-илова. Республикамизда спорт мавзусининг ёритилиши**




**3-илова. “Sport” телеканали вазифалари**

- ***Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш;***
- ***соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш;***
- ***болалар спорти ва оилавий спортни оммавий равишда ривожлантириш;***
- ***жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шаклларини ташкил қилиш;***
- ***оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга, бағишланган теле- ва радиодастурларни тайёрлаш;***
- ***Хорижий телерадиокомпанияларнинг энг яхши дастурларини, шу жумладан жаҳон спорти, олимпия ҳаракати тарихига, халқаро спорт ташкилотлари фаолиятига бағишланган дастурларни олиб кўрсатиш;***

- *Республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини тўғридан-тўғри трансляция қилишни ташкил этиш;*
- *Давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорлари, мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган, ҳуқуқий-демократик давлатни, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлардан мамлакат аҳолиси, шунингдек чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама ва холис хабардор қилиб бориш;*
- *Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга, мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, болалар спорти ва оилавий спортни оммавий равишда ривожлантириш, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шаклларини ташкил қилиш, оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга бағишланган теле ва радиодастурларни тайёрлаш.*

## 4-илова. "Sport" телеканали ҳафталик дастурлари

**2015.04.27**

SPORT

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Умид ниҳоллари-2015».
6.45 «Эътироф».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
10.20 АНОНС.
10.25 «Спортимиз маликалари».
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Автомотоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Баскетбол.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Футзал. УЕФА кубоги. «Барселона» (Испания) – «Спортинг» (Португалия)
15.30 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.30 ИНТЕРФУТБОЛ.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
***
18.15 «Спорт сайёраси».
18.25 «Техноспорт».
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спорти».
19.20 АНОНС.
19.25 Каратэ. Осиё чемпионати.
20.25 АНОНС.
20.30 «Футбол шарҳи».
21.20 АНОНС.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ЛОКОМОТИВ» – «ПАХТАКОР».
23.35 АНОНС.
23.40 «Техноспорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.

1.20 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Баскетбол.
2.55 Марафон.
4.05 АНОНС.
4.10 Автомотоспорт.
4.55 АНОНС.
5.00-6.00 Теннис.
ATP/WTA турнири.

**2015.04.28**

SPORT

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қувноқ стартлар».
6.40 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ЛОКОМОТИВ» – «ПАХТАКОР».
9.55 Каратэ. Осиё чемпионати.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Автомотоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Футбол шарҳи».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Баскетбол.
15.20 Марафон.
16.30 «Биласизми?»
16.35 Теннис. ATP/WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
18.00 «Спорт сайёраси».
18.10 «Техноспорт».
18.15 «Ифтихоримсан, спорт!»
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Футзал. Ўзбекистон кубоги. Финал.
19.55 «Осиё футболи».
20.15 Шашка бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
20.25 Каратэ. Осиё чемпионати.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 ФУТБОЛ. ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. «ТРАКТОРСОЗИ» (ЭРОН)–»НАСАФ» (ЎЗБЕКИСТОН)
23.35 АНОНС.
23.40 «Техноспорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».

00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.10 «Сюзи Вольфф».
Ҳужжатли фильм.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Велоспорт.
2.55 ФУТБОЛ.
ЎЗБЕКИСТОН
ЧЕМПИОНАТИ.
«ЛОКОМОТИВ» –
«ПАХТАКОР».
4.35 АНОНС.
4.40 -6.00 Теннис.
ATP/WTA турнири.

**2015.04.29**

**SPORT**

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар
тартиби.
6.10 «Ифтихоримсан,
спорт!»
6.25 АНОНС.
6.30 «Сюзи Вольфф».
Ҳужжатли фильм.
6.50 АНОНС.
7.00 «SPORT-
EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 ФУТБОЛ. ОСИЁ
ЧЕМПИОНЛАР
ЛИГАСИ.
«ЛОКОМОТИВ»
(ЎЗБЕКИСТОН) –
«АЛ-ҲИЛОЛ»
(САУДИЯ
АРАБИСТОНИ)
9.55 Велоспорт.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT
NEWS».
11.10 АНОНС.
11.15 «Шохсупага
йўл».
11.55 Рақамлар,
натижалар,
рейтинглар.
***
12.00 «SPORT-
EXPRESS».
13.00АНОНС.
13.05 Автомотоспорт.
13.50 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Муайтай.
Ўзбекистон
чемпионати.
15.30 АНОНС.
15.35 Баскетбол.
16.40 АНОНС.
16.45 «Халқ
ўйинлари».
16.55 АНОНС.
17.05 Каратэ. Осиё
чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар
тартиби.
***
18.10 «Спорт
сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Умид
ниҳоллари-2015».
19.10 Теннис.
ATP/WTA турнири.
20.30 «Евротайм».
21.20 АНОНС.
21.25 «СПОРТ-
МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Футзал.
Ўзбекистон

чемпионати.
23.05 «Андреас Иньеста». Ҳужжатли фильм.
23.35 АНОНС.
23.40 «Техноспорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.10 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Велоспорт.
2.55 АНОНС.
3.00 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
4.10 АНОНС.
4.15 «Патрик Клюйверт». Ҳужжатли фильм.
4.35 АНОНС.
4.40-6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

**2015.04.30**

**SPORT**

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Болалар спорти».
6.35 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 «Шижоат».
8.35 АНОНС.
8.40 «Умид ниҳоллари-2015».
8.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
10.05 АНОНС.
10.10 «Ардоқ».
10.35 «Осиё футболи».
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Профессионал бокс.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Евротайм».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Баскетбол.
15.25 АНОНС.
15.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
***
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Военное дело.
19.15 «Соккер клуб».
19.55 АНОНС.
20.00 Шашка бўйича

Осиё чемпионати кундалиги.
20.10 «Мураббий».
20.30 АНОНС.
20.35 «Евротайм».
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 ФУТБОЛ. ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. »БУНЁДКОР» (ЎЗБЕКИСТОН) – «АЛ-НАСР» (САУДИЯ АРАБИСТОНИ)
23.35 АНОНС.
23.40 «Техно спорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.10 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Велоспорт.
2.55 АНОНС.
3.00 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
4.10 АНОНС.
4.15 «Мураббий».
4.35 АНОНС.
4.40 - 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

**2015.05.1**

**SPORT**

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Военное дело».
6.30 АНОНС.
6.35 «Сюзи Вольфф». Ҳужжатли фильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 ФУТБОЛ. ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. «НАФТ» (ЭРОН)–»ПАХТАКОР» (ЎЗБЕКИСТОН)
9.55 Велоспорт.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 АНОНС.
11.15 «Соккер клуб».
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Евротайм».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Баскетбол.
15.25 АНОНС.
15.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис. ATP/WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
18.00 «Спорт сайёраси».

18.10 «Техноспорт».
18.15 «Ифтихоримсан, спорт!»
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Матонат».
19.15 АНОНС.
19.20 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ПАХТАКОР» – «НАВБАҲОР». ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.20 АНОНС.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 «Евротайм».
22.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.15 АНОНС.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 Велоспорт.
2.40 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
3.40 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
4.50 -6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

**2015.05.2**

SPORT

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ифтихоримсан, спорт!»
6.25 «Болалар спорти».
6.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ПАХТАКОР» – «НАВБАҲОР».
10.00 АНОНС.
10.05 «Матонат».
10.25 Баскетбол.
11.35 АНОНС.
11.40 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
12.40 «Мураббий».
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.05 «Евротайм».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 АНОНС.
14.15 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
15.25 «Биласизми?»
15.30 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.30 «Шохсупага йўл».
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
***
17.15 «Спорт сайёраси».
17.25 АНОНС.
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 АНОНС.

17.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «БУНЁДКОР» – «НЕФТЧИ». ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
19.55 АНОНС.
20.00 Шашка бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
20.10 Дзюдо. Гран-при турнири.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 АНОНС.
23.45 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
1.15 АНОНС.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 АНОНС.
1.45 Баскетбол.
2.55 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
3.55 Велоспорт.
4.55 АНОНС.
5.00 - 6.00 Теннис. АТР/WTA турнири.

**2015.05.3**

**SPORT**

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 ИНТЕРФУТБОЛ.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «БУНЁДКОР» – «НЕФТЧИ».
9.55 АНОНС.
10.00 «Шохсупага йўл».
10.40 «Военное дело».
11.00 АНОНС.
11.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
12.15 «Халқ ўйинлари».
12.25 «Қувноқ стартлар».
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.00 «Қорақалпоқ спорти».
13.15 АНОНС.
13.20 «Куч бирликда».
13.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
15.30 АНОНС.
15.35 «Rekord.uz» (такрор)
16.35 «Эътироф».
16.45 АНОНС.
16.50 Теннис. АТР/WTA турнири.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
***
18.15 «Спорт сайёраси».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.

19.05 «Орзулар кемаси».
19.30 Профессионал бокс.
20.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
21.25 «СПОРТ-МАРКЕТ».
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 «Sport Meteo».
22.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.45 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
1.15 Баскетбол.
2.25 Байдарка ва каноэ. Европа чемпионати.
3.35 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.